

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

РАСУЛОВА МАЛИКА ОЛИМОВНА

**Хитой тилини ўзлаштириш жараёнида аниқловчиларни ўрганиш
билан боғлиқ масалалар**

5A120102-Лингвистика (хитой тили)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

ф.ф.н. Носирова С.

Тошкент-2013

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I боб. Хитой тилида аниқловчининг семантик ва синтактик турлари	
1. Аниқловчининг семантик турлари.....	13
2. Аниқловчининг синтактик турлари.....	19
I боб бўйича хулоса	30
II боб. Хитой тилида аниқловчининг грамматик хусусиятлари	
1. Хитой тилида аниқловчининг гапда эгаллаган вазифаси.....	32
2. Аниқловчи вазифасида келувчи сифатларда редупликация ҳодисаси.....	39
II боб бўйича хулоса	47
III боб. Аниқловчини қўллашда кенг учрайдиган хато ва камчиликлар таҳлили	49
III боб бўйича хулоса	55
Хулоса	58
Адабиётлар рўйхати	61
Илова	

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда хитойшунослик ва хитой тилини ўрганиш бир неча минг йиллик тарихга эга, чунки юртимиз қадимдан Буюк Ипак йўли воситасида Шарқни Ғарб билан боғловчи муҳим иқтисодий, транспорт, коммуникация, логистика маркази бўлиб келган ва савдо, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда Хитой ва бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатдор алоқаларга асос солган, минтақалараро савдо-сотик ва гуманитар муносабатлар тараққиётини таъминлаган.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг кўп қирралари тарихшунослик, тилшунослик, адабиётшунослик, манбашунослик, археология, исломшунослик, сиёсатшунослик ва бошқа соҳалардаги ўзбек, хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассилари томонидан системали равишда ўрганиб келинмоқда.

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон республикаси ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 2 январдан бошланган бўлиб, бугунги кунга қадар икки давлат ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий қолаверса, таълим соҳаларидаги муносабатлар тез суратда ривожланиб, ҳар томонлама мустақамланиб бормоқда. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов : “Ўзбекистон Хитой тимсолида мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бизни қўллаб-қувватлаб келаётган ишончли, буюк қўшни ва ҳамкорни кўради”, -деб бежиз қайд этмаган.¹

Охирги 20 йил ичида хорижда хитой тилини ўрганиш, унга қизиқиш, тез суратлар билан ривожланиб бормоқда. Хитой маориф вазирлиги берган маълумотларга кўра, хорижий мамлакатларда хитой тилини ўрганувчилар сони 30 млн. кишини ташкил этади. Хитой университетларида ҳар йили 90.000 нафар чет эл фуқаролари хитой тилини ўрганмоқдалар². Ҳозир Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий кадрят.-Т.: Шарқ,2006.Т.14.-242 б.

² Хитой маориф вазирлигининг маълумотига кўра, мамлакат институт ва университетларида бир семестр таълим олиш, ўқув юрти жойлашган манзил ва унинг нуфузига қараб, тахминан 1000-2500 АҚШ долларни ташкил қилади.

тиллари университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанд, Фарғона университетлари ва бошқа бир қатор ўқув юртлари ва марказларда хитой тили ва хитойшунослик соҳаларида мутахассислар тайёрланмоқда.

1994 й. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзбек ва хитой тиллари ҳамда бошқа соҳа мутахассисликлари бўйича талабалар алмашинуви ташкил этилган. Охириги йиллар давомида Хитой олий ўқув юртларида 1000 зиёд ўзбекистонлик бакалавр ва магистрлар таълим олиб, малака ошириб қайтганлар. 2006 йилдан Миллатлар университетида (Пекин шаҳри) “ўзбек тили” мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилиш йўлга қўйилди. Айти пайтда Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа бир қатор олий ўқув юртларда хитойлик талабалар, аспирантлар ўзбек тили, адабиёти, тарих, қишлоқ хўжалиги ва техника фанлари мутахассисликлари бўйича таълим олмоқдалар. Таржимашунослик мактабини шакллантиришда ва ривожлантиришда айнан юқорида кўрсатиб ўтилган факторлар муҳим роль ўйнайди, чунки моҳир таржимонни етиштиришда авваломбор инсондан ўз она тилини чуқур билиши, ана ундан сўнг чет тили, ўрганаётган тилда сўзлашувчи миллатнинг ўзига ҳос хусусиятларини, урф –одатларини, умуман олганда менталитети доирасидаги пухта билим ва кўникмаларга эга бўлиши бирламчи ва муҳимдир.

Етишиб чиқаётган хитойшунослардан келажакда педагог кадрлар, таржимонлар шаклланиши сир эмас, шундай экан хитой тилининг грамматик жиҳатларини пухта ўзлаштириш, кези келган ўз она тили билан қиёсий таҳлилни амалга ошириш учун етарли даражада билим ва кўникмалар талаб этилади. Магистрлик диссертациямизда хитой тилининг айнан грамматик жиҳати, яъни аниқловчининг хусусиятларида чуқурроқ тўхталиб ўтишни лозим топдик, зеро икки давлатнинг дўстона алоқалари

айнан тил ўрганишдан бошланади, грамматик жиҳатдан тўғри ифодаланган нутқ ўзга миллат тилига ҳурматни ифодалайди ва ҳар жабҳадаги муносабатларнинг кучайишига сабаб бўлади. Ҳозирги кунда ТошДШИ хитой филологияси кафедрасининг ўқитувчилари томонидан хитой тилини ўрганишга бағишланган кўплаб ўзбек тилидаги адабиётлар, турли ҳил дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, луғат ва сўзлашгичлар нашр этилмоқда. Хусусан, хитойшунослик бўйича М.Ҳ.Маҳмудходжаев ³, А.А.Каримов ⁴, М.Т.Каунбаев ⁵, Ж.Т.Зиямуҳамедов ⁶, С.А.Носирова ⁷, С.А.Хошимова ⁸, Л.А.Султанова ⁹ ва бошқалар томонидан қатор илмий адабиётлар яратилди. Ушбу адабиётлар биз талабалар учун ниҳоятда қимматли аҳамиятга эга, чунки айнан ўзбек тилида нашр этилган адабиёт ва қўлланмаларга бўлган эҳтиёжимиз, айнан хитой тилини ўрганишимизда, жуда катта. Лекин, хитой тилининг айрим масалалари, жумладан аниқловчи масаласи алоҳида чуқур изланишларни талаб қилиб турган долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Хитой ва ўзбек тилидаги аниқловчининг ўхшаш томонлари, ҳам маъно жиҳатдан, яъни аниқловчиларнинг семантик хусусиятлари, ҳам грамматик хусусиятларининг ўхшаб кетишига ушбу тадқиқот ишни ёзишимизда амин бўлдик. Бу далил эса иккала ҳалқнинг тарихий негизлари айнан тилда ҳам ўз аксини топганлигидан далолат беради. Йиғилган материаллар асосида талабалар томонидан аниқловчини тўғри қўллашда ва таржима қилишда кўпинча йўл қўйган хато ва камчиликлар таҳлил қилинди. Ўйлаймизки, аниқловчи мавзусида олиб борилган ушбу тадқиқот материалimiz келажакда грамматикага оид яратилажак яна кўплаб дарслик ва қўлламамалар учун қўл келади.

³ Маҳмудходжаев М.Ҳ., Бекмуратов И.Н. Хитой ёзуви.-Т.: Матбуот,1990.42б.

⁴ Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил. –Т.: Фан ва технологиялар,2003.119 б.

⁵ Каунбаев М.Т.Хитойча-ўзбекча лингвистик атамалар.-Т.:ТДШИ,1993.40 б.

⁶ Зиямуҳамедов Ж.Т. Пе Сунлиннинг сеҳрли новеллалари (сюжетнинг келиб чиқиши ва ривожланиш масалалари): Филоло.фан.номзод...дис.-Т.,2005.

⁷ Носирова С.А. Ҳозирги замон хитой тили дипломатик терминларининг лексик-семантик ва структур таҳлили:Филол.фан.номзод...дис.-Т.: ТДШИ,2008.169 б.

⁸ Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация: Филол.фан.номзод...дис.-Т.: ТДШИ,2009.161 б.; Хашимова С.А.,Носирова С.А. Хитой тили грамматикаси.- Т.,2011.180 б.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотимизнинг предмети хитой ва ўзбек тилларидаги аниқловчиларнинг семантик, синтактик ва грамматик хусусиятларининг чоғиштира таҳлили бўлса, унинг объекти эса икки тилнинг аниқловчи вазифасида келувчи сўз туркумларига оид сўзларидир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотимиздан кўзланган асосий мақсад ҳозирги замон хитой тилидаги аниқловчи вазифасида келувчи сўз туркумларининг семантик ва грамматик хусусиятларини ўрганиш, уларни лингвистик нуқтаи назаридан таҳлил этиш ва чоғиштира тадқиқотни амалга ошириш. Айнан шу асосий мақсад эса ўз ичига хитой тили ва ўзбек тилларидаги аниқловчи вазифасини бажарувчи сўз туркумларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш, икки тилдаги аниқловчи вазифасида келувчи сўзларнинг маъно жиҳатидан таснифлаш масаласини кўриб чиқиш каби мақсадларни қамраб олган.

Бундан ташқари тадқиқот натижалари асосида, яъни аниқловчини қўллашда кўп учрайдиган хато ва камчиликларни таҳлил этиш асосида, таржима қилиш борасида лозим бўлган тавсиялар ишлаб чиқиш, ушбу мавзунинг истиқболли йўналишларини аниқлаш мақсади ҳам қўйилган.

Мавзу юзасидан тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда магистрлик иши юзасидан қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифаларни** белгилаб олинди:

- хитой ва ўзбек тилларидаги аниқловчиларни маъно жиҳатидан таснифлаш;
- ҳозирги хитой тили мисолида аниқловчининг семантик турлари таҳлилинини амалга ошириш;
- ҳозирги хитой тили мисолида аниқловчининг синтактик турлари таҳлилинини амалга ошириш;

⁹ Султанова Л.А., Зиямухамедов Ж.Т. Хитой тили-Т.: Қудрат принт, 2009. 239 б.

-
- ҳозирги хитой тили мисолида аниқловчининг грамматик хусусиятларини таҳлил қилиш;
 - аниқловчининг гапдаги ўрни ва вазифасини таҳлил қилиш;
 - аниқловчиларда редупликация ҳодисасини кўриб чиқиш;
 - хитой тилида аниқловчини қўллашда кенг учрайдиган хато ва камчиликлар асосида хитой тилини ўрганишга киришган ўқувчиларда таржима қилиш кўникмасини шакллантиришда ёрдам берувчи йўлланмаларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мазкур тадқиқотни олиб боришда хитой, ўзбек, рус ва инглиз умумий тилшунослиги бўйича фундаментал ишлар, лингвистика, семантика, функционал синтаксис, генератив грамматика, когнитив лингвистика назарияси, қиёсий типология, неолингвистика, лингвистик структурализм, дескриптив лингвистика, грамматикага бағишланган ишлар, шунингдек атамашунослик ва терминология масалаларига доир адабиётлар, тадқиқотимизга тегишли хитой, рус, ўзбек ва инглиз тилшунослар олимларининг илгари сурган ғоялари ишимизнинг назарий асосини белгилаб берди. Жумладан, Ли Дэ-дзиннинг “外国人数量用汉语语法”, Дай Сюэ-мейнинг “实用汉语语法三百点”, Гуо Дженхуанинг “简明汉语语法”, Чжу Дэ-сининг “现代汉语形容词研究”, В.И.Гореловнинг “Теоретическая грамматика китайского языка”, В.А.Курдюмовнинг “Курс китайского языка: теоретическая грамматика”, В.М.Солнцевнинг “Очерки по современному китайскому языку”, А.А.Драгуновнинг “Исследования по грамматике китайского языка”, М.Содиқованинг “Ҳозирги замон ўзбек тилида сифат”, З.М.Мағруфованинг “Степени сравнения прилагательных в узбекском языке” асарларидаги таҳлиллар тадқиқотимизни мукамалроқ амалга оширишга ёрдам берди. Хитой тилини ўқиш давомида тўплаган билимларимиз, бундан ташқари тадқиқотимиз юзасидан хитой тилидан

Ўзбек тилига қилинган таржималар ва таҳлиллар тадқиқотимизнинг амалий асосини белгилайди.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Аниқловчи мавзусига бағишланган ишлар ниҳоятда кўп, лекин уларнинг алоҳида семантик турларидан келиб чиққан ҳода грамматик хусусиятларини таҳлил қилиш, аниқловчини қўллашда кенг учрайдиган хато ва қачиликларни таҳлил қилиш доирасида олиб борилаётган илмий ишлар сони кам. Ушбу ёндашувда мазкур тадқиқот ишимизда турли манбаларга таянган ҳолда аниқловчининг юқорида айтиб ўтилган хусусиятларини умумлаштириш асосий вазифа қилиб белгиланди. Магистрлик диссертация мавзусини ёритишда кенг қўлланилган адабиётлардан қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: Zhu Shaoxing нинг хитой тилида ёзилган “Кўз ёшларсиз хитой тилини ўрганамиз” (Пекин, 2004 йил, 321 бет); Li Dejin муҳаррирлиги остида 2008 йилда хитой тили ва инглиз тилларида нашр этилган “Чет элликлар учун хитой тилининг амалий грамматикаси” китоби (Пекин, 2008 й., 652 бет); Люй Шу-сяннинг “语法修辞进话”, Чжу Дэ-сининг “现代汉语形容词研究”, Чжао Юньпиннинг “Сопоставительная грамматика китайского и русского языков”, В.И.Гореловнинг “Теоретическая грамматика китайского языка”, В.М.Солнцевнинг “Очерки по современному китайскому языку”, А.А.Драгуновнинг “Исследования по грамматике китайского языка”, А.А.Каримовнинг “Хитой тили грамматикаси: фонетика ва иероглифика”, “Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлили”, С.А.Хошимова в С.А.Носироваларнинг “Хитой тили грамматикаси”, С.А.Хашимованинг “Хитой тилида сўз ясалиши”, “Хитой тилида редупликация”, Л.А.Султанова, Ж.Т.Зиямухамедов, М.Туратоваларнинг “新目标” асарларида мавзуимизга оид кўпгина маълумотлар берилган. Ўзбек

тилидаги аниқловчи мазуси ақида гапирадиган бўлсан, аниқловчи вазифасида қўлланилувчи сифатлар мавзусига бағишланган асарлар, монографиялар ҳамда диссертациялар миқдори жуда кўп. Шулар жумласидан: З.М.Магруфова “Степени сравнения прилагательных в узбекском языке”, М.Содиқова “Ҳозирги замон ўзбек тилида сифат”, И.Ҳамдамова “Ўзбек тилида сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг ўзбек тили изоҳли луғатида берилиши” (номзодлик диссертацияси), Г.Абдурахманова “Субстантивированные прилагательные в современном узбекском языке” (номзодлик диссертацияси).

Тадқиқотда қўлланилган услублар. Олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун тўпланган маълумотлар ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган тавсифий, таҳлилий, таржима ва чоғиштириш методлари ёрдамида таҳлил этилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур диссертация маълумотлари хитой лингвистикаси соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари ишимизда жамланган материаллар хитой тили грамматикасига оид махсус курслар тайёрлашда, хитой тилини ўргатиш жараёнида, дарслик, ўқув қўлланма ҳамда луғатлар тузишда, таржимонлик фаолияти кабиларда кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- ушбу магистрлик диссертациямизда илк бора хитой ва ўзбек тилларидаги аниқловчилар хусусиятларининг чоғиштирма таҳлили амалга оширилди;

- хитой тилидаги аниқловчини гапда қўллашга тегишли бугунги кунга қадар кам ўрганилган муаммоларга батафсил тўхтатилиб ўтилди;

- хитой тилида илк бора хитой тили мисолида аниқловчининг семантик, синтактик ва айрим грамматик хусусиятлари ёритилди;

- аниқловчини қўллашда кўпинча йўлга қўйиладиган хато ва камчиликлар таҳлил этилди, хитойча аниқловчиларни таржима қилишда нималарга аҳамият бериш лозимлиги, яъни таржима амалиётига доир назарий қарашлар шакллантирилди;

- мазкур мавзу юзасидан схема ва жадваллар яратилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация Кириш қисми, асосий боблар (3 та, ҳар бир боб мазмун моҳиятига кўра иккита параграфларга бўлинган), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Хитойча мисоллар транслитерация ҳолатида лотин алифбосида берилган. Биринчи боб “Хитой тилида аниқловчининг семантик ва синтактик турлари” деб номланади. Ушбу боб ўз ичига икки параграфни қамраб олган, 1 параграфда аниқловчининг семантик турлари таҳлил этилса, иккинчи параграфда аниқловчининг синтактик турлари кўриб чиқилди, аниқловчи иштирокидаги гап формулалари мисоллар билан таҳлил этилади.

Иккинчи боб “Хитой тилида аниқловчининг грамматик хусусиятлари” деб номланади, ушбу боб ҳам икки параграфдан ташкил топган бўлиб, биринчи параграфда хитой тилида аниқловчининг гапда эгаллаган вазифаси таҳлил этилганда, иккинчи параграфда аниқловчи вазифасида қўлланилувчи сифатларда редупликация ҳодисаси таҳлил этилган.

Учинчи бобда “Аниқловчини қўллашда кенг учрайдиган хато ва камчиликлар” таҳлили амалга оширилган.

Ҳар бир боб сўнгида ва умумий Хулосада тадқиқ этилган материаллар таҳлилдан келиб чиқадиган асосий натижалар, фикрлар баёни берилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида эса адабиётлар ёзилган тилига қараб тизимлаштирилган бўлиб, аввало ўзбек ва рус тилларидаги манбалар, сўнг хитой тилидаги адабиётлар ёзилган тили алифбоси тартибида

келтирилган. Хитой тилидаги адабиётлар рўйхати эса уларнинг ўқилиш (pinyin) системанинг алифбосига кўра тизимлаштирилган. Рўйхат сўнгидан Интернет манбалари келтирилган.

Илова қисмида эса мавзу юзасидан тайёрланган схема, жадваллар , мавзуга доир машқлар тўплами келтирилган.

I боб. Хитой тилида аниқловчининг семантик ва синтактик турлари

Хитой тили яккаланган (изоляция) турдаги тил ҳисобланади. Ушбу хусусият эса тилнинг морфологик қисмида ҳам ўз аксини, таъсирини ўтказиши табиий. Хитой тили ўзининг морфологик хусусиятларига кўра мураккаб тиллардан бири ҳисобланади. Ушбу тилда олтига сўз туркуми фарқланади. Улардан асосийлари 主语 zhuyu эга ва 谓语 weiyu кесим ҳисобланса, қуйидагилар иккинчи даражали бўлаклардир: 定语 dingyu аниқловчи, 宾语 binyu тўлдирувчи, 状语 zhuangyu ҳол ва 补语 buyu тўлиқловчи.

Хитой тилини ўрганиш жараёнида, айниқса ушбу тилдан махсус давлат имтиҳонларини топшириш жараёнида айнан иккинчи даражали бўлаклари дан аниқловчини қўллашда талабалар томонидан кўплаб хатоларга йўл қўйилади. Ушбу хатоларни таҳлил қилиш натижасида шу ҳолат аён бўлдики, кўплаб талабалар ўз она тилидаги аниқловчи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда хитой тилидаги аниқловчини қўллашда хатоларга йўл қўйишади, шу сабабдан, ушбу магистрлик диссертациямизда аниқловчини қиёсий таҳлил қилиш усули билан ўрганиш, аниқловчининг қўлланилиши билан боғлиқ тушунмовчилик ҳолатларини келтириб чиқарадиган жиҳатларни ўрганиш, талабада аниқловчини тўғри ишлатиш борасидаги билим ва кўникмасини ривожлантириш каби масаларни бирламчи масала сифатида ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.

1. Аниқловчининг семантик турлари

Аниқловчи предметнинг белгисини билдирадиган иккинчи даражали бўлакдир. Предметнинг белгиси бош бўлақлардан кесим орқали ҳам ифода этилиши мумкин. Битроқ кесимда предмет предикативлик йўли билан аниқланиб, белги тасдиқ ёки инкорни келтириб чиқарувчи элемент сифатида тасаввур этилса, аниқловчида предмет атрибутивлик йўли билан аниқланиб, белги предмет билан биргаликда, бир бутун ҳолда тасаввур этилади.

Аниқловчи иккинчи даражали бўлақларнинг алоҳида бир туридир. У гапнинг структурасидаги роли жиҳатидан бошқа иккинчи даражали бўлақлардан фарқ қилади. Иккинчи даражали бўлақлардан тўлдирувчи ва ҳол одатда феълга боғланиб келса, аниқловчи отга боғланиб келади. Тўлдирувчи ва ҳол гап таркибида, унинг мустақил бир бўлаги сифатида одатда кесимга тобе бўлиб келса, аниқловчи бирикма таркибида, унинг бир элементи сифатида эгагга ҳам, кесимга ҳам, тўлдирувчига ҳам, ҳолг аҳам тобе бўла олади. Ҳатто бир аниқловчи бошқа бир аниқловчига тобе бўлиб келиши ҳам мумкин: *Июль ойининг қуёши ҳамма ёқни олов сели билан тўлдирган, ҳаво аллақандай оқ аланган билан жимгина ёнгандай...*(Ойбек).

Аниқловчи гапда ўзи боғлаган сўз билан бирга “яшайди”. Аниқловчи билан аниқланмиш аниқловчили бирикмани ташкилқилади. Аниқланмиш бўлмас экан, аниқловчи ҳам бўлмайди.

Аниқловчи предметнинг турли-туман белгиларини ифода этади. Бунда белги кенг маънода тушунилади. Аниқловчининг мазмуни унинг турига,

қандай сўз туркуми билан ифодаланганига ва грамматик формасига боғлиқ.¹⁰

Маълумки аниқловчи предметнинг белгисини ифода қилувчи гап бўлагидир. Аниқловчи предметнинг сифатини, ранг- тусини, хусусиятини, мазасини, шаклини, ҳажмини, миқдор даражасини ёки у ё бу объект, субъектга қарашлилигини ва шу каби маъноларни билдиради. Шунинг учун аниқловчининг сўроқлари ҳам турличадир: қандай? қанақа? қайси? қанча? кимнинг? ниманинг? ва бошқалар.

Аниқловчи от сўз туркумига боғланиб келади. Аниқловчи билан аниқланмиш аниқловчили бирикмани ҳосил қилади. “*Ранг – баранг гуллар гулзорнинг хуснига хусн қўшиб турибди*”; “*Дарахтларнинг узун– узун соялари гузарга анча файз киргизди*”. Бу гаплардаги аниқловчиларнинг бир гуруҳи (*ранг – баранг, узун – узун*) бошқаларидан (*гулзорнинг, дарахтларнинг*) англатган маънолари жиҳатдан ҳам, ифодаланиши жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Биринчи гапдаги “*ранг– баранг*” аниқловчиси предмет (гуллар)нинг сифатини, иккинчи гапдаги “*узун – узун*” предмет (соя)нинг ҳажмини; “*гулзорларнинг, дарахтларнинг*” аниқловчилари эса қарашлиликини ифода этиб келмоқда. Шунга кўра аниқловчилар икки хил: 1. сифатловчи ва 2. Қаратқич бўлади.¹¹

Ғ.А. Абдурахмонов муҳаррирлигида нашр этилаган “Ўзбек тили грамматикаси” китобида эса аниқловчи, белги билдиришдаги лексик-семантик ва грамматик хусусиятларига кўра уч хил бўлиши: сифатловчи, қаратувчи ва изоҳловчи таъкидланган.¹²

Ўзбек тили грамматикаси нуқтаи – назаридан билдирилган юқоридаги таърифлар хитой тилидаги аниқловчининг грамматик

¹⁰ Абдурахмонов Ғ.А. ва б. Ўзбек тили грамматикаси.- Тошкент, 1976. Б.157-158.

¹¹ М.Мирзаев. Ўзбек тили. – Тошкент, 1962й. 186 бет.

¹² Абдурахмонов Ғ.А. ва б. Ўзбек тили грамматикаси.- Тошкент, 1976.Б.158.

хусусиятларига жуда яқин туради. Ушбу фикримизнинг исботи сифатида хитой тилида аниқловчининг куйидаги хусусиятларини кўриб чиқамиз:

1. Хитой тилида сифатловчи аниқловчи миқдор, вақт, ўрин – жой каби тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан:

а) сон: 我买一瓶酸奶。

wo mai yi ping suan nai

мен бир бутилка қатиқ сотиб олдим

Ушбу мисолда аниқловчи 一瓶 yi ping бир бутилка (сон + ҳисоб сўз)

билан ифодаланган. Одатда сон билан ифодаланган аниқловчидан сўнг 的

де нинг қўшимчаси зарур эмас. Яна бир мисол:

很多人喜欢吃北京烤鸭。

hen duo ren xi huan chi Beijing kaoya

Жуда кўп одамлар Пекин услубида таёрланган ўрдакни ёқтириб ейишади.

Ушбу мисолда аниқловчи 很多 hen duo жуда кўп миқдор сўзи билан ифодаланган;

в) вақт: 这是昨天的会议记录。

zhe shi zuo tian de hui yi ji lu

бу кечаги мажлиснинг баённомаси

Аниқловчи 昨天的 zuotian de кечаги сўзи билан ифодаланган. Одатда вақт маъносидаги аниқловчидан сўнг 的 de нинг қўшимчаси қўлланилиши керак.

Яна бир мисол:

经过几个月的努力、他终于写完了毕业论文。

Jing guo ji ge yue de nu li , ta zhon gyu xie wan le bi ye lun wen

Бир неча ойлик ҳаракатдан сўнг, у оҳир-оқибат битирув малакавий ишини ёзиб ниҳоясига етказди.

Ушбу мисолда аниқловчи 几个月的 jige yuede бир неча ойлик миқдор сўзи билан ифодаланган ва аниқловчи 的 de нинг кўшимчаси билан бирга ишлатилган;

с) ўрин – жой: 你把地上的香蕉皮拣起来

ni ba di shang de xiang jiao pi jian qi lai

ерда ётган банан пўстини кўтариб ол

Аниқловчи 地上的 di shang de ерда ётган сўзи билан ифодаланиб, 的 de нинг кўшимчаси билан бирга ишлатилган. Яна бир мисол:

他脑子里的念头很奇怪

Ta nao zi li de nian tou hen qi guai

Унинг миёсида галати фикр уйғонди.

Ушбу жумлада аниқловчи вазифасини 脑子里的 nao zi li de миёсида сўзи бажармоқда, 里 li ичида маъносидаги ўрин – жой сўзининг қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда, гап ўрин – жой ҳақида кетаётганлигига ишора қилинмоқда.

1.2. Хитой тилида қаратувчи аниқловчи ўзи ифодалаётган шахс ё предметга бошқа бир шахс ёки предметнинг қарашли эканини билдиради. Қуйидаги турларни кўриб чиқамиз:

а) кимга тегишли эканлигини ифодалайди.

Масалан: 谢谢老师们的教导

xie xie lao shi men de jiao dao

Устозларнинг берган билимига раҳмат айтамыз.

Ушбу жумлада қаратувчи 老师们的 lao shi men de устозларнинг сўзи билан ифодаланган. Бундай ҳолларда қаратувчидан сўнг одатда 的 de нинг морфемаси қўлланилади. Яна бир мисол:

王方的手机在桌子上

Wang Fang de shou ji zai zhuo zi shang

Ванг Фаннинг қўл телефони стол устида

Аниқловчи 王方的 Wang Fang de Ванг Фаннинг кўринишида келтирилган, бу ерда от сўз туркумига 的 de нинг морфемаси бирикиб қаратувчи аниқловчи турини келтириб чиқарган.

в) хитой тилида отлашган сифатдош билан ифодаланган қаратувчи ҳам кўп кўлланилади.

Масалан: 你昨天说的那件事真的吗?

Ni zuo tian shuo de na jian shi shi zhen d e ma

Сен кеча айтиб берган воқеа ростдан ҳам содир бўлганми?

қаратувчи аниқловчи 昨天说的 zuo tian shuo de кеча айтиб берган отлашган сифатдош билан ифода этилмоқда. Ёки:

你借的书过期了

Ni jie de shu guo qi le

Сен вақтинчаликка олган китобнинг фойдаланиш муддати ўтиб кетган.

Ушбу гапда аниқловчи 你借的书 ni jie de shu сен вақтинчаликка олган китобнинг отлашган сифатдош билан берилган. Бу каби гапларда феълдан сўнг 的 de нинг морфемаси ишлатилиши шарт.

1.3. Хитой тилида нарса-предметнинг сифатини, хусусиятини, кишининг касби, ўзига хослиги каби тушунчаларни ифодалашда аниқловчининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда ўзгача. Грамматик нуқтаи назардан бу ўзбек тилидаги изоҳловчи аниқловчига мос келади. Ушбу бўлимда биз юқоридаги хусусиятларни бирма-бир кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз:

а) хусусият, характерни изоҳловчи аниқловчи:

他是好学生。

ta shi hao xue sheng

У яхши талаба.

Ушбу гапда аниқловчи 好 hao *яхши* сўзи билан берилган бўлиб, 他 ta “у” ни таърифловчи сифатловчи ўрнида қўлланилган.

他开着一辆新跑车。

Ta kai zhe yi liang xin pao che

У янги машинани (тез юрар машинани) ҳайдамоқда.

Бу гапда эса аниқловчи 新 xin *янги* сўзи билан берилган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бир бўғинли сифатлардан сўнг 的 de *нинг* қўшимчаси ишлатилмаса, икки ва кўп бўғинли сифатлардан кейин 的 de *нинг* қўшимчасининг ишлатилтиши шарт. Масалан:

他做了非常重要的讲话了。

Ta zuo le feichang zhong yao de jiang hua

У жуда муҳим хисоботни тақдим этди.

Мисолда кўришиб турибдики, кўп бўғинли сифатдан сўнг 的 de *нинг* қўшимчаси қўлланилган. Бунда 的 de *нинг* қўшимчаси ўзинг асл маъносини йўқотиб, “канақа? қандай?” саволларга жавоб берувчи сифатдошни ҳосил қилишда иштирок этади.

в) инсон ёки жонзотнинг хусусиятини изоҳловчи аниқловчи:

老师买了一条三斤的鲤鱼。

Lao shi mai le yi tiao san jin de li yu

Устоз бир дона уч килоли балиқни сотиб олди.

Ушбу гапда аниқловчи балиқнинг 三斤的 san jin de *уч килоли* эканлигини таърифлаб, 的 de *нинг* кўшимчаси билан бирга ишлатилган. Албатта, ушбу гапда хусусиятни таърифловчи аниқловчидан ташқари яна сон маъносини ифодаловчи аниқловчи, яъни 一条 yí tiáo *бир дона сўзи* ҳам аниқловчи вазифасини бажариб келган.

с) кўлланилиш, ишлатилиш соҳасини ифодалаш учун хизмат қиладиган изоҳловчи аниқловчилар:

他只有一个装衣服皮箱。

Ta zhi you yi ge zhuang yi fu de pi xiang

Унда фақатгина бир дона кийим соладиган жамадони бор ҳолос.

Ушбу жумлада жамадонинг кўлланилиш соҳаси, яъни фақат кийим учун мўлжалланганлиги 装衣服的 zhuang yi fu de аниқловчиси билан ифодаланган. Яна бир мисол:

我要买一个炒菜的锅。

Wo yao mai yi ge chao cai de guo

Мен бир дона сабзавот қовуриладиган қозон олишим керак.

Бу гапда қозоннинг айнан сабзавотларни қовуриш учун кўлланилиши ҳақидаги хусусиятни ифодаловчи аниқловчи 炒菜的 chao cai de *сабзавот қовуриладиган* билан берилган бўлиб, бу ерда ҳам 的 de *нинг* кўшимчасининг кўлланилиши шарт.

d) ранг, хом –ашё маъносидаги изоҳловчи аниқловчи:

明明穿着一双红色的皮鞋。

Ming ming chuan zhe yi shuang hong se de pi xie

Минг Минг бир жуфт қизил рангли чарим пойафзал кийиб олган.

红色的 hong se de қизил рангли аниқловчидан ташқари ушбу гапда хом – ашә маъносидаги сон билан 皮 pi чарим ва сон билан ифодаланган аниқловчиларни ҳам кўриш мумкин, яъни 一双 yi shuang бир жуфт.

门上贴着一个红喜子。

Men shang tie zhe yi shuang hong xi zi

Эшикда қизил “бахт” иероглифи ёпиштирилган.

Ранг маъносидаги аниқловчи фақат сифат билан ифодаланганда 的 de нинг кўшимчаси ишлатилмайди. Агар 红 hong қизил сўзидан кейин 色 se ранг сўзи келса, у ҳолда 的 de нинг кўшимчаси ишлатилиши шарт.

е) касб – ҳунар маъноларини англатувчи изоҳловчи аниқловчи.

三年級的汉语老师姓张。

San nian ji de han yu lao shi xing Zhang.

Учинчи курсларда хитой тилидан сабоқ берувчи муаллимнинг фамилияси Жанг.

Бу гапда 汉语 han yu хитой тилидан сабоқ берувчи ва 老师 lao shi муаллим сўзлари бир бутунлик сифатида аниқловчи вазифасида қўлланилган.

Одатда 的 de нинг кўшимчаси бундай вазиятларда ишлатилмайди, яъни гап касб ҳақида кетганда. Яна бир мисол:

他父亲是一位外科大夫。

Ta fu qin shi yi wei wai ke dai fu

Унинг отаси жарроҳ.

Аниқловчи вазифасида 外科 wai ke жарроҳ сўзи ишлатилган ва бундан ташқари сон маъносидаги 一位 yi wei бир киши сўзлари ишлатилган.

2. Аниқловчининг синтактик турлари

Аниқловчи гапнинг иккинчи даражали бўлаги бўлиб, кимнинг?, қайси?, нечта?, каби саволларга жавоб бўлади.

Аниқловчи предметлиликни ифодаловчи сўзга тобе бўлиб келади ва унинг турли белгиларини ифодалайди¹³:

А) сифат ёки хусусиятини -

有意思的书—yǒuyìsideshū—қизиқарли китоб

有意思的故事 yǒuyìsidegùshi— қизиқарли ҳикоя

Б) бошқа предметга, ҳаракатга, жойга ёки вақтга нисбатан муносабатини -

每天的锻炼 měitiāndeduànliàn – ҳар кунги бадантарбия

开会的目的 kāihuìdemùdì – мажлисдан мақсад

В) бирон нарсага нисбатан оидликни, дахлдорликни –

她的看法 tādekànfǎ – унинг қарашлари

我们的意见-wǒmendeyìjiàn – бизнинг фикримиз

Г) предметларнинг сони ёки тартибини –

两个学生—liǎnggèxuéshēng – икки студент

¹³www. Studychinese.ru

第一个考试—diyīgèkǎoshì – биринчи имтихон

Шунга кўра аниқловчи икки ҳил бўлади:

Сифатловчи аниқловчи. Сифатловчи аниқловчи предметнинг белгисини, миқдорини, тартибини билдиради ва қандай?, қанақа?, қайси?, қанча?, нечанчи?, нега?, қаердаги? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Сифатловчи аниқловчи томонидан аниқланган бўлак сифатланмиш деб юритилади.

Сифатловчи предметнинг белги-сифати, сон-миқдори, тартиби каби белгиларини билдирадиган аниқловчидир. Сифатловчи ўз ҳоким сўзига битишув йўли билан бирикади. У боғланиб келган сўз сифатланмиш дейилади. Сифатловчи билан сифатланмиш сифатловчили бирикмани ташкил қилади.¹⁴

1. Характер-хусусият, хосса, қиммат билдирувчи сифатлар. Бу турга кирувчи сифатлар айниқса инсон характер-хусусиятини ифодалашга кўп қўлланилади. Мас., 可爱 ke ai – ёқимтой, ширин; 好 hao – яхши; 善心的 shanxinde – раҳимдил.

Буларда бир туркуми инсон, предмет ва ҳайвонларнинг характер-хусусиятини ифодалашда умумий қўлланилади, бир туркуми эса фақатгина предмет хусусиятини ифодалашда хослашиб қолган. Мас., 慷慨的 kangkaide – сахий; 诚实的 chengshide – ростгўй каби.

Характер-хусусият ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Шунга кўра, характер-хусусият ифодалаб келувчи сифатлар ижобий ва салбий мазмунга эга. Бундан ташқари, лоқайд маъноли (яъни, ҳам ижобий, ҳам салбий бўлмаган) сифатлар мавжуд.

¹⁴ Абдураҳмонов Ғ.А. ва б. Ўзбек тили грамматикаси.- Тошкент, 1976.Б.158.

1) Инсоннинг характер-хусусиятига хос:

а) ижобий сифатлар, мас., 客气的 keqide – мулойим, 有修养的 youxiuyangde – одобли, 忠实 – содик, 温柔的 wenroude – меҳрибон ва бошқ. 他的儿子很温柔的 Ta de erzi hen wenroude “Унинг ўғли жуда меҳрибон” .
У одобли йигит эди (Ойбек);

б) кишига хос салбий характер-хусусиятлар. Салбий хусусият билдирувчи сифатлар кўпинча ижобий характер-хусусият билдирувчи сифатларнинг антонимлари сифатида мавжуд, яъни бу гуруҳга оид сифатлар киши характер-хусусиятидаги ярамас, ёқимсиз томонларини ифода этади: 口是心非的 koushi xinfei de – иккиюзламачи, 残酷的 cankude – шафқатсиз. 残酷无情的人 canku wuqingde ren – шафқатсиз одам.

Кишига хос турли хусусиятлар, унинг бирор аъзосини, гап-сўзини, ўй-ниятини, хис-туйғйсини ва шу кабиларни сифатлаш орқали ҳам берилади. Бунда сифатлаш объекти кишига боғланган ҳолда берилиши ёки алоҳида ўзи сифатланиши мумкин. 嘴甜的 zuitiande – тили ширин, 诚实的 chengshide – самимий. 他的母亲诚实的人 Ta de muqin chengshide ren “Унинг онаси самимий инсондир”; Унинг сўзлари болаларча содда, самимий, лекин аниқ ва равшан эди (Ойбек).

Киши характер-хусусиятини беришда юқорида зикр этилган сифатлардан ташқари бошқа туркумдаги (мас., ҳолат, шакл, маза-таъм, ранг-тус билдирувчи) сифатлардан ҳам фойдаланилади. Бундай сифатловчилар кишиларга хос турли характер-хусусиятларни очишга хизмат қилади: 他对孩子们太急躁 Ta dui haizimen tai jizao “У болаларга

нисбатан жуда қаттиққўл”; У сарбаст, зийрак, ҳаракатлари дадил, сўзлари ўткир, зртоқлари орасида онабош қиз (Ойбек);¹⁵

в) киши характер-хусусиятига оид яна шундай сифатлар борки, уларнинг маъносидан ижобийлик ёки салбийлик яққол бўртиб турмайди. Улар нутқ жараёнига қараб ҳар иккала маъно чегарасига ўтиб олиши мумкин. Мас., 沉默的 chenmode – индамас, 顽固的 wangude – ўжар, 爱吹牛的 ai chuiniu de – маҳмадона каби.

2) Предмет (нарса, ҳайвон, жонивор), ҳолат, ҳодиса ва шу кабиларнинг характер-хусусиятини ифодалаш учун қўлланилувчи сифатлар: 真的 zhende – табиий, 贵 gui – қиммат, 便宜 pianyi – арзон, 严重的 yanzhongde – жиддий. 这个市场的东西太贵了! Zhe ge shichang de dongxi tai guile! Бу бозорда нарсалар жуда қиммат экан а! Олдинда жуда жиддий, мураккаб ҳаёт борлигини қаёқдан биламан (Саид Аҳмад).

3) Киши ва предмет хусусиятларини учун бирдек қўлланаверадиган сифатлар: 好 – hao яхши, 不好 – bu hao ёмон, 壮丽 zhuangli – ажойиб ва бошқ.

Баъзи сифатлар эса ё киши, ёки предмет белгиси учун кўчган маънода қўлланилиши мумкин: Мас., 轻巧的 qingqiaode – енгил, 沉重 chenzhong – оғир.

2. *Ҳолат билдирувчи сифатлар.* Предмет, ҳодиса, инсон ва ҳайвонга хос ҳолат ёки вазият турли сифатлар орқали ифодаланади:

1) табиий ҳолат белгилари:

¹⁵ М.Содиқова. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Т.: “Фан”, 1974. 51 б.

а) ижобий маънода: 漂亮 piaoliang – чиройли, 美丽 meili – гўзал. 他总是说漂亮话 Ta zongshi shuo piaolianghua “У ҳар доим чиройли гапларни гапиради”. Гўзал бир йигит эшикни қокди (Абдулла Қаҳҳор);

б) нуқсоний белгилар: 瘸腿的 quetuide – чўлоқ, 驼背的 tuobeide – букир, 哑的 yade – соқов. 他是生来哑的 Ta shi shenglai yade “У туғма соқов”. Дадаси бўлса оқсоқ институтда тўгарак машғулотлари ўтказарди (А.Мухтор).

Қайд этилган сифатлардан баъзилари ҳайвон ва предметларнинг белгиси учун ҳам қўлланилиши мумкин: Ўша майиб турна чолнинг кўлида шифо топиб яна ўз карвонига қўшилганини билармикин (С.Аҳмад).

2) Жисмоний ёки физик ҳолатларни ифодаловчи сифатлар: 力气大的 liqi da de – бақувват, 年轻 nian qing – ёш, 老 lao – кекса. 我们班的学生都是年轻的人 Women ban de xuesheng dou shi nianqing de ren “Туруҳимизнинг талабарнинг ҳаммаси ёш инсонлар”. Кекса врач касаллик ҳақида гаплашарди.

Бундай сифатларни предмет белгиларини ифодалаш учун ҳам қўллаш мумкин: Оқсоқол ҳовлига, кекса тут шохлари энгашиб турган тунока томга суқланиб бирма-бир қараб чиқди (С.Аҳмад)

3) Рухий ҳолатни ифодаловчи сифатлар: 高兴 – gaoxing хурсанд, 忧郁的 youyu de – ғамгин, 愁闷的 – маъюс. 我喜欢听忧郁的歌 Wo xihuan ting youyu de ge “Мен ғамгин ашулаларни эшитишни ёқтираман”. У ... хурсанд киши билан чақчақлашиб, хафа билан дардлашар эди (А. Қаҳҳор).

4) Кишининг ҳаётий ҳолатини ифодаловчи сифатлар: 有钱 youqian – бой, 穷 qiong – камбағал, қашшоқ ваш у кабилар. 他是个有钱的人¹⁶ Ta shi ge youqian de ren “У бир бой одам”. Бой ота қашшоқ хизматкорининг фариштадай сулув ёшгина қизига уйланиб олган эди (Ойбек).

5) Предметнинг ҳарорат белгисини ифодаловчи сифатлар: 热 re – иссиқ, 冷 leng – совуқ, 凉快的 liangkuai de – илиқ, салқин. 今天天气是凉快的 Jintian tianqi shi liangkuai de “Бугун ҳаво салқин”. Илиқ баҳор ёмғири куймоқда эди (А.Мухтор).

6) Тозалик, ифлослик ҳолатларини ифодаловчи сифатлар: 干净 ganjing – тоза, 脏 zang – кир, исқирт ва ҳ.к. 你不要穿脏的衣服 Ni bu yao chuan zang de yifu “Сен кир кийимни кийишинг керак эмас”. У кир, ямоқ, гуппи чопонга ўралган, яланг оёқларида йиртиқ калиш, бошида исқирт дўппи (Ойбек).

7) Предметнинг эскилик, янгилик ҳолатларини ифодаловчи сифатлар: 新 xin – янги, 旧 jiu – эски ва шу кабилар. 你的新帽子很漂亮 Ni de xin maizi hen piaoliang “Сенинг янги бош кийиминг жуда чиройли”. Ҳозир нима кўп, эски матога харидор кўп (С.Аҳмад).

8) Предметнинг пишган ва хомлик ҳолатларини ифодаловчи сифатлар: 潮湿的 chaoshi de – хом, 煮熟 zhushu – пишган ва бошқ. Пишган олча ва гислослар ичимни кўп сидирган (Ойбек).

¹⁶ 汉俄词典。北京：商务印书馆。2006，1050页。

9) Предметнинг хўл-куруқлик ҳолатини ифодаловчи сифатлар: 湿的 shi de – хўл, 湿润的 shirun de – нам, 干 gan – куруқ ва ҳ.к. Ўртадаги ўчоқда хўл тўнка биқсимокда (Парда Турсун).

10) Тинч ва нотинч ҳолатларни ифодаловчи сифатлар: 平静 pingjing – тинч, 不安的 bu'ande – нотинч, 低微的 diweide – жим ва ҳ.к. Бизга тинч-осойишта пана жой керак... (Ойбек).

Бундан ташқари 平整的 pingzheng de – силлик, 有皱纹的 youzhouwen de – ғижим, 开的 kai de – очик каби бир қанча сифатлар борки, булар ҳам турли ҳолатларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Юқорида келтирилган ҳолат билдирувчи сифатларнинг деярли ҳаммаси даражаланади, форма ўзгартирувчи аффиксларни (модал форма ясовчиларни) қабул қилади ва кўпчилиги кўчган маъноларда қўлланилади.

3. *Ранг-тус билдирувчи сифатлар.* Предметнинг белги аломатларидан бири ранг-тусдир. Бир туркум сифатлар предметнинг ана шу белгисини ифодалаш учун қўлланилади. Мас., Бу ерда зангор кўл соҳиллари-ю, кул ранг тошлар, серчечак сўқмоғ-у, яшил хиёбонлар, кушлар наъмаси-ю, баргларнинг сирли шивирлашлари йўқ (А.Мухтор).

2. Шакл-кўриниш, ҳажм-ўлчов-масофа, маза-таъм, ҳид, вазн-оғирлик ва ўрин ва пайтга муносабат билдирувчи сифатлар

1. *Шакл-кўриниш билдирувчи сифатлар.* Ушбу турга кирадиган сифатлар предметнинг турли кўринишларини, шакл ва форма белгиларини ифодалаш учун қўлланилади: 圆 yuan – думалок, 长 chang – узун, 胖 pang – семиз кабилар.

Хитой тилида мазкур турга кирадиган сифатларга озгина тўхталиб ўтамиз.

Сифатлар доирасида 圆 уан “думалоқ” каби сўзлар алоҳида гуруҳни (алоҳида лексик-грамматик категорияни) ташкил қилади.

Ўз маъносига кўра бу сифатлар шу билан тавсифланадики, улар интенсивлик даражасида ўзгаришга йўл қўймайди, масалан, предмет думалоқ ёки бутунлай думалоқ бўлиши мумкин, лекин у бироз думалоқ бўлиши мумкин эмас. 圆桌子 Yuan zhuozi ‘думалоқ стол’ дейиш мумкин, лекин 很圆的桌子 Hen yuan de zhuozi ‘жуда думалоқ стол’ дейиш мумкин эмас, худди шунингдек 玻璃瓶子 boli pingzi ‘шиша бутилка’, дейиш мумкин, бироқ 很玻璃的瓶子 Hen boli de pingzi демайдилар.

Сифатларнинг ушбу гуруҳи маъноси билан уларнинг бир қатор грамматик хусусиятларига ҳам боғлиқ.

Маълумки, сифат предикативлари предметларнинг ўзгармас эмас, балки ўзгарувчан белгиларини ифодалайди: гап ё муайян даражадаги сифат ҳақида, ё муваққат ҳолат тарзидаги сифат ҳақида боради. 圆 уан “думалоқ”, 白 bai ‘оқ’ каби сифатлар интенсивлик даражасида ўзгаришга йўл қўймагани боис, аксарият сифатлардан фарқли ўлароқ, улар сўз бирикмасининг маъноси гап белгиларнинг вақтда ўзгаришига йўл қўювчи белги ҳақида бораётганига аниқ ишора қилган жойдагина боғламасиз кесим вазифасини бажариши мумкин. Масалан:

月白 , 风新

Yue bai, feng xin

‘Ой ёруғ (сўзма-сўз маъноси ‘оппоқ’), шамол тоза’;

她的头发白了

Ta de toufa baile

“Унинг сочига оқ тушди”;

Сўз бирикмасининг маъноси белгининг вақтда ўзгаришига йўл қўймаган ҳолларда, бундай сифатлар, коида тарикасида, боғламасиз кесим вазифасида келиши мумкин эмас. Нисбий сифатлар каби, улар бундай ҳолларда отнинг –的 de суффикси билан тусланиши лозим ва боғламанинг мавжудлигини талаб қилади; бошқача қилиб айтганда, кесим бу ерда предметнинг ўзгарувчан белгисини эмас, балки ўзгармас белгисини ифодалайди ва бу ерда предикативлар эмас, балки сифатлар амал қилади. Масалан:

地是圆的，不是方的

Di shi yuan de, bu shi fang de

“Ер тўртбурчак эмас, балки юмалоқ”;

这个东西全是新的

Zhe ge dongxi quan shi xinde

“Бу буюм мутлақо янги!”

Шакл кўриниш билдирувчи сифатлар билан ҳолат билдирувчи сифатлар баъзан мос келиши мумкин: 胖 pang – семиз, 瘦 shou – озгин. Семиз хамшира кўпол этикларини дўқиллатиб илдам кетди (Ойбек).

2. *Ҳажм-ўлчов-масофа билдирувчи сифатлар.* Бундай сифатлар предметнинг ҳажми, ўлчови, миқдори каби конкрет ва абстракт белгиларини ифода этади. Ҳажм билдирувчи сифатлар ҳам кўп жиҳатдан ҳолат ва шакл билдирувчи сифатларга ўхшашдир. Мас., 宽阔 kuankuo кенг, 窄 zhai –тор, 长 chang – узун, 深的 shen de – чуқур. Катакдай кичик, ер бағирлаган қинғир-қийшиқ хароб уйларда рус ишчилари яшайди (Ойбек).

3. *Маза-таъм билдирувчи сифатлар.* Бу турдаги сифатлар предметга хос хусусиятлардан бири бўлган маза-таъмни ифодалашга хизмат қилади: 甜 tian – ширин, 好吃 – мазали, 辣 la – аччиқ, 酸 suan – нордон, 含盐的 hanyande – шўр.

Маза-таъм ифодаловчи сифатлар бошқа тур сифатларга нисбатан кам сонни ташкил этади: Шўр кўлмак ичавериб Турсунбой чой таъмини унутаётган эди (С.Аҳмад).

Маза-таъм ифодаловчи сифатлар тилда кам бўлгани туфайли от туркумидаги сўзлардан ҳам бундай сифатлар ўрнида фойдаланилади. Мас., шакар, захар, сув каби. Бундай сифат ўрнида от сўз туркумидаги сўзлардан фойдаланиш кўпроқ экспрессив-эмоционалик муносабатлари билан боғлиқ.

4. *Ҳид билдирувчи сифатлар* предметнинг ҳидини ифодалаш учун хизмат қилади: 有香气的 youxiangqi de , 芬芳的 fengfang de – хушбўй.

Ҳид билдирувчи сифатлар тилнинг луғат бойлигида жуда кам сонни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бундай белгиларни ифодалашда кўпроқ предмет номларидан фойдаланилади. Яъни бирор ҳид таркатувчи предмет номига “ҳидли” сўзини қўшиш орқали қўшма сифатлар ҳосил қилинади. Мас., 有香水香气的 you xiangshui xiangqi de – атир ҳидли.

5. Вазн-оғирлик билдирувчи сифатлар. Бундай сифатлар оғир ёки енгиллик белгисини ифодалайди: 轻 qing – енгил, 重 zhong – оғир каби. Ўзбек тилида предметнинг бундай белгилари учун ҳам отлардан ёки қиёс маъносини англатувчи сифатлардан фойдаланилади: зил, зилдай, куш, кушдай кабилар. Ўйлашиб кўрамиз, ука, – деди оёқларига зилдай оғир чориқларни кийиб (Ойбек).

6. *Ўрин ва пайтга муносабат билдирувчи сифатлар.* Бир қатор сифатлар ўрин ва пайтга муносабат билдириб келади. Мас., 秋天的 qiutian de – кузги, 晚上的 wanshang de – кечки, 以前的 yiqian de – аввалги, 明天的 mingtian de – эртанги, 家的 jiade – уйдаги. 秋天的节日的时候 Qiutian de jieri de shihou “Кузги байрамлар вақтида”. Совуқ намгарчилик... кузги гулларнинг рангини ўчириб кетди (А.Мухтор).

Бу туркумга таалуқли сифатлар кўпинча от туркумидаги сўзлардан – ги-ки, -даги ясовчилари воситасида ҳосил қилинади.

Қаратувчи – аниқловчи. Қаратувчи бирор нарса-предмет тегишли, қарашли бўлган шахс ёки предметни билдирадиган аниқловчидир. Қаратувчи аниқловчи бирор нарса тегишли, қарашли бўлган шахс ёки предметни билдиради ва кимнинг?, ниманинг?, қаернинг?, сўроқларига жавоб бўлади. Қаратувчи аниқловчи томонидан аниқланган бўлак қаралмиш деб юритилади. Хитой тилида қаратувчи - аниқлови кўпинча 的 қаратқич юкламаси билан ифодаланади. Масалан:

我的老师 – менинг ўқитувчим,这是我的笔 – Бу менинг ручкам .

Бир қанча аниқловчилатарда 的 тушириб қолдирилиши мумкин: Масалан, агар от сўз туркумига мансуб сўзлар қариндош- уруғ муносабатларини ва яқин муносабатдаги алоқани ифодаласа

我爸爸- менинг дадам

我老师 – менинг устозим

我邻邦 – менинг қўшним

我朋友 – менинг дўстим

Ушбу жумлалардаги 的 ни тушириб қолдириш хато бўлмайди, билакс, бирон нарсага оидликни яъни қаратқич келишикни ифодалайди.

2) 国 guó – давлат сўзи билан (хитойликлар 我国 ибораси билан “менинг давлатим” деган иборани таржима қиладилар).

Изоҳловчи аниқловчининг таърифига оид. Изоҳловчи аниқловчининг алоҳида бир кўриниши бўлиб, бунда изоҳловчи от бошқа бир отни изоҳлайди. Изоҳловчи билан изоҳланмиш битишув йўли билан алоқага киришади ва изоҳловчили бирикмани ташкил қилади. Ўзбек тилида изоҳловчи изоҳланмишдан олдин ҳам кейин ҳам келиши мумкин, хитой тилида эса изоҳловчи доимо изоҳланмишдан олдин қўйилиши кузатилади.

Хитой тилида изоҳловчи қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) илмий, харбий унвонни билдиради: 李侦探 , 刘博士.

2) Касб-хунарни билдиради - 田医生 , 李先生.

- 3) Қариндошликни билдиради: 卡利玛阿姨
- 4) Жинсни билдиради: 男学生 , 女朋友.
- 5) Ўхшатишни билдиради хитой тилида бу кўпинча конструкциялар ёрдамида ифодаланади. (像。 。 。 似的)
- 6) Тахаллусни билдиради - 李白 , 老舍
- 7) Газета, журналлар, корхона, муассаса ва х.к.ларнинг номини билдирган атоқли отлар ҳам изоҳловчининг бир тури ҳисобланади (人民日报 , 中国) .

Демак, аниқловчи хитой тилида ҳам ўзбе тилад ҳам сифатловчи – аниқловчи ва қаратувчи ва изоҳловчи аниқловчи каби турларига ажратилади.

I боб бўйича хулоса.

1. Хитой тилида аниқловчи гапнинг иккинчи даражали бўлаги бўлиб, асосий бўлақларига ёки ўзаро тобе муносабатда бўлиб, гапнинг асосий бўлақларини аниқлаб, тўлдириб келади.
2. Хитой тилида сифатловчи аниқловчи миқдор, вақт, ўрин – жой каби тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилади;
3. Хитой тилида қаратувчи аниқловчи ўзи ифодалаётган шахс ё предметга бошқа бир шахс ёки предметнинг қарашли эканини билдиради;
4. Хитой тилида аниқловчи бир қанча сўз туркумлари билан ифодаланади: хусусан, от, сифат, феъл, кўрсатиш олмошлари, сон, эга-кесимли бирикма, сон-ҳисоб сўзли бирикмалар билан ҳам ифодаланиши мумкин.

-
5. Хитой тилида нарса-предметнинг сифатини, хусусиятини, кишининг касби, ўзига хослиги каби тушунчаларни ифодалашда аниқловчининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда ўзгача;
 6. Аниқловчи предметлиликни ифодаловчи сўзга тобе бўлиб келади ва унинг турли белгиларини ифодалайди;
 7. Сифатловчи аниқловчи предметнинг белгисини, миқдорини, тартибини билдиради ва қандай?, қанақа?, қайси?, қанча?, нечанчи?, нега?, қаердаги? каби сўроқларга жавоб бўлади. Сифатловчи аниқловчи томонидан аниқланган бўлак сифатланмиш деб юритилади;
 8. Қаратувчи аниқловчи бирор нарса тегишли, қарашли бўлган шахс ёки предмети билдиради ва кимнинг?, ниманинг?, қаернинг?, сўроқларига жавоб бўлади. Қаратувчи аниқловчи томонидан аниқланган бўлак қралмиш деб юритилади. Хитой тилида қаратувчи - аниқловчи кўпинча 的 қаратувчи юкламаси билан ифодаланади.

II боб. Хитой тилида аниқловчининг грамматик хусусиятлари

1. Аниқловчининг гапда эгаллаган вазифаси

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари гапнинг асосий бўлақларига ёки ўзаро тобе муносабатда бўлиб, гапнинг асосий бўлақларини аниқлаб, тўлдириб келади.

Гапнинг иккинчи даражали бўлааклари :

- 1) аниқловчи
- 2) тўлдирувчи

Аниқловчи гап ичида ҳар доим отга ёки отлашган сўзга боғланади. Аниқловчи гап ичида эгага ҳам, кесимга ҳам, тўлдирувчига ҳам, аниқловчига ҳам тобе бўла олади. Масалан:

塔什干是很美丽的城市。 *Tǎshìgànrshì hěn měilì de chéngshì.* - Тошкент жуда чиройли шаҳар¹⁷.

Хитой тилида аниқловчи предметнинг белгисини билдириб, турли сўз туркумлари билан ифодаланиши мумкин.

Аниқловчининг от сўз туркумига мансуб сўзлар билан ифодаланиши:

厂长的办公室在二层。 *Chǎngchǎngdebàngōngshìzàièrcén。* - Завод директорининг хонаси иккинчи қаватда.

¹⁷外国人使用汉语语法。北京语言文化大学。北京。2008年。261-页

去年的画报都给别人了。 *Qùniándèhuàbàodōugěibierénle*。 Ўтган йилги журналларни ҳаммасини бериб юборганмиз.

旁边的房间是空的。 *Pángbiāndefángjiānshìkōngde*。 - Ёнимиздаги хона бўш.

那是经理的帽子。 *Nàshìjīnglǐdèmàozi*。 - Анави директорнинг шапкаси.

这是爷爷的杯子。 *Zhèshìyéyédebēizi*。 - Бу бобомнинг крушкаси.

Аниқловчи олмош билан ифодаланган:

我父亲不吸烟。 *Wǒfùqīnbúxīyān*。 - Менинг отам чекмайди.

这是我的笔— *zhèshìwǒdebǐ* - Бу менинг ручкам

我们学校在校区。 *wǒmenxuéxiàozàijiāoqū*。 - Бизнинг мактабимиз шаҳар ташқарисидаги туманда.

我的老师对工作十分认真。 *Wǒdelǎoshīduìgōngzuòshífēnrènz*。 - Бизнинг ўқитувчимиз ишига жуда талабчан.

我参加了他们的婚礼。 *wǒcānjiāletāmèndehūnlǐ*。 - Мен уларнинг тўйларида иштирок этдим.

我很喜欢这儿的天气。 *wǒhěnxǐhuanzhèrdetiānqì*。 - Менга бу ернинг ҳавоси жуда ёқди.

什么，多少， каби олмош ва сўроқ олмошлари билан:

这辆车多少钱? – Бу машина неча пул туради?

你父母住在什么城市? –Сенинг ота-онанг қайси шаҳарда туради?

Аниқловчи сифат билан ифодаланган:

他喜欢圆桌字。 *tāxǐhuānyuánzhuōzì*. – Унга думалоқ шаклдаги стол ёқади.

这座楼里有许多空房间 *zhèzuòlóulǐyǒuxǔduōkōngfángjiā*. –Бу бинода кўпгина бўш хоналар бор.

这是很漂亮的地方 –*zhèshìhěnpiàoliangdedìfāng* - Бу жуда чиройли жой

Аниқловчи феъл билан ифодаланган:

我看见过游行的队伍。 *Wǒkànjiànguòxīndeyóuxíngdeduìwǔ*. - Мен саёхатчиларнинг отрядларини кўрганман.

清的客人都来了。 *Qīngdekèrèndōuláile*. – Таклиф қилинган меҳмонларнинг ҳаммаси келди.

Аниқловчи сон билан ифодаланган:

三的二十倍是六十。 *Sāndeèrshíbèishìliùshí*.–Учнинг йигирма карраси олтмиш бўлади.

这个书架一共有五层。 *Zhègeshūliǎngyígòngyǒuwǔcéng*. - Бу китоб жавонида жами беш бўлинма бор.

你看，第五辆车是我的 – Қара, 5- машина – меники.

Аниқловчи бирлашган сўз бирикмаси билан ифодаланган¹⁸:

¹⁸外国人使用汉语语法。北京语言文化大学。北京。2008年。261-页

父亲答应了我和弟弟的要求。 *fùqīndāyīnglewöhédìdèyāoqiú.* – Отам мен ва укамнинг илтимосига рози бўлдилар.

父亲，母亲的来信收到了。 *Fùqīn, mǔqīndeláixìnshōudàole .-* Отам, онамларнинг хатларини олдим.

这是积极而可靠的办法。 *zhèshìjījīérkěkàodebànfǎ.* – Бу жуда хатарли, бироқ суянса буладиган усул.

Аниқловчи эга-кесимли бирикма билан ифодаланган¹⁹:

他热爱他从事的工作。 *Tā rè ài tā cóng shì de gōng zuò.* - У ўзини фидо қилишни яхши кўради.

我们参观的工厂在郊区。 *Wǒ men cān guān de gōng chǎng zài jī āo.* – Биз томоши қилган завод шаҳар ташқарисидаги туманда.

他就是我说的那个人。 *Tā jiù shì wǒ shuō de nà ge rén.* - У айнан мен айтган ўша одам.

Гапларнинг грамматик тартиби

Менинг устозим – 我的老师 (Аниқланмиш + от)

Менинг икки ўқитувчим – 我的两个老师 (Аниқланмиш + ҳисоб сўзи билан сон + от)

Менинг анави икки яхши ўқитувчим -我的那两个好老师

¹⁹外国人使用汉语语法。北京语言文化大学。北京。2008年。261-页

Менинг (аниқланмиш) анави (кўрсатиш олмоши) икки (ҳисоб сўз + сон)
яхши (сифат)ўқитувчим

Шундай қилиб, хитой тилида аниқловчи бир неча сўз туркумлари
билан ифодаланиб, предметнинг белгисини ёки бир нарс-буюмнинг
бошқасига қарашли эканлигини билдиради.

Аниқловчининг гаптаги ўрни ҳақида фикр юритмоқчимиз экан, биз асосан бир гапта бир нечта аниқловчи келганида улар қай тарзда, қайси кетма кетлигда жойлаштирилиши лозим, деган саволга бир нечта қўлланма, дарсликлардан жавоб топишга ҳаракат қилдик. Ушбу таҳлилларни қуйида келтириб ўтамыз:

а) бир хил сўз туркумига оид, уюшиқ аниқловчилар кетма- кетлиги у қадар кийинчиликларни уйғотмайди, бу ерда асосий қўйиладиган шарт гапта бир объект ёки субъект ҳақида гап кетиши лозим бўлади, яъни барча аниқловчилар фақат ва фақат бир объектни таърифлаш учун хизмат қилиши лозим ва бир хил сўз туркумига оид бўлиши талаб этилади. Масалан:

现在的外语教学很注意听，说，读，写的关系。

xian zai de wai yu jiao xue hen zhu yi ting、shuo、du、xie de guan xi

Ҳозирда чет тилини ўқитишда тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш кабиларнинг уйғунлигига катта эътибор бериш лозим.

Кўриб турганингиздек, хитой тилида ишлатилган аниқловчилар аслида феъллардир, яъни 听，说，读，写 ting、shuo、du、xie тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш, уларнинг кетидан 的 de нинг қўшимчасининг ишлатилиши ушбу феълларни аниқловчига айланиши сабаб бўлган, лекин ушуб хусусият доимо таржимада тўғри акс эттирилавермайди. Кўпинча шу каби аниқловчилар қўлланилганда охириги аниқловчилар бир- биридан 和 he ва, 或 huo ёки, 以及 yiji ҳамда, 而 er шунингдек, ва каби ёрдамчи сўзлар билан ажратилади.

Аниқловчилар бир сўз туркумига оид бўлмаган тақдирда гапдаги кетма-кетлиги қайси жиҳатдан аввалроқ содир бўлганлигини ҳисобга илинган ҳолда белгиланади. Масалан:

学校里来了一个刚从师范大学毕业的教数学的老师。

Xue xiao li lai le yi ge gang cong shi fan da xue bi ye de jiao shu xue de lao shi.

Мактабга яқиндагина Педагогика Университетини тамомлаган математика фани ўқитувчиси келди.

教数学的 jiao shu xue de *математика фанидан дарс берувчи* сўз бирикмаси аниқловчи вазифасида қўлланилган. Маъно жиҳатдан қараганда келган ўқитувчи аввал ўқишни битирган, сўнгра математика фанидан дарс бера бошлаган, шу нуқтаи назардан аниқловчилар юқоридаги кетма – кетликда жойлаштирилиши лозим ва албатта 的 de *нинг* қўшимчаси билан бир – биридан ажратиб ёзилиши керак.

Турли семантик маъноларга эга аниқловчилар гапда ўз ўрнига ва кетма-кетлигига эга. Агар юқоридаги баён этилган фикрларни жамлаган ҳолда уларни формула кўринишида ифодаласак, қуйидаги қолип вужудга келади:

Вақт + жой + от ёки олмош (қаратувчи) + объект + предмет + феъл + ҳисоб сўзлар.

Масалан: 这期“十月”上小王那篇小说很不错。

Zhe qi “shi yue” shang Xiao Wang n apian xiao shuo hen bu cuo

Бу сондаги “Октябрь” журналида чоп этилган Сяо Ваннинг ҳикояси ёмон эмас.

Гап таркибидаги аниқловчилар қуйидаги кетма – кетликда жойлаштирилган:

Вақт + жой + қаратувчи + ҳисоб сўз

Табиийки бир гапда барча турдаги аниқловчиларнинг бир вақтда қўлланилиши мушкул масала, лекин бу мисолда формулада келтирилган деярли барча турдаги аниқловчиларнинг ишлатилганлигини кўриш мумкин.

Навбатдаги формула: **Объект ёки субъект + олд қўшимча+фёъл+рангни таърифловчи аниқловчи + 的 de билан қўлланилган аниқловчи + 的 de ишлатилмаган аниқловчи + хом- ашё, шакл ҳақида маълумот берувчи аниқловчи**

Кенг қамровли гапда аниқловчилар ҳам сифатловчи ҳам қаратқич ўрнида келиши юқоридаги бўлимларда қайд этилган эди. Мазкур қолип ўз ичига асосан шу турдаги аниқловчиларнинг бир гап ичида қайси тартибда келиши ҳақида маълумот бериб турибди. Масалан:

她穿一件过膝的宽松羊绒大衣。

Ta chuan yi jian guo xi de kuan song yang rong da yi

У бир донна тиззасидан настга тушувчи кенг бичимдаги кашемир пальто кийиб олган.

Ушбу гапда фёълдан кейин 的 de билан қўлланилган аниқловчи 过膝的 guo xi de тиззасидан настга тушувчи + пальтонинг қайси хом ашёдан тикилганлиги ҳақида маълумот берувчи аниқловчи 羊绒 yang rong кашемир аниқловчилари келтирилган. Шаклини ҳам таърифловчи аниқловчи 宽松 kuan song кенг бичимдаги сўзи тартиб билан кетма-кетликда қўлланилган. Ушбу бўлимда келтирилган маълумотлар ва таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

- 1) аниқловчилар ўз вазифасига кўра икки турга бўлинади: сифатини ва қарашлиликни ифодаловчи аниқловчилар;
- 2) ҳар бир турдаги аниқловчи гапда турли ҳил сўз туркумлари ёрдамида ифода этилиши кузатилади;
- 3) бир бўғинли сифатлардан сўнг 的 de қўшимчаси қўлланилмаса, икки бўғинли сифатлар аниқловчи вазифасида келганида ушбу қўшимча билан бирга ишлатилиши кузатилди;
- 4) аниқловчиларнинг гапдаги кетма-кетлиги аниқ белгиланган қолип асосида бажарилиши лозим.

2. Аниқловчи вазифасида қўлланилувчи сифатларда редупликация ҳодисаси

Хитой тилида сифатларнинг редупликацияси кенг қўлланилади. Редупликатив сифат, одатда, объектнинг маъно-моҳиятини, унинг хусусиятини кучайтиришга хизмат қилади: 短短 *duanduan* “қап-қалта”, 厚厚 *hou-hou* “қалиндан-қалин”, 干干净净 *gangan jingjing* “топ-тоза”.

Редупликатив сифат инкор шаклида ишлатилмайди. Бундан ташқари, ёрдамчи феъллар – 了 *le*, 过 *guo*, 者 *zhe* суффикслари билан ҳам қўлланила олмайди²⁰.

Редупликатив сифат гапда кесим, аниқловчи, ҳол вазифасида келиши мумкин²¹:

他昨天还好好，今天就病得这样子²²

²⁰黄菠菜。实用现代汉语语法。北京，1989年。-页78.

²¹丁声树等。现代汉语语法讲话。商务印书馆，1961年。-页40.

²²故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。-页285.

Ta zuotian hai haohaode, jintian jiu bing de zhe yangzi

“Кеча у соппа-соғ эди, бугун эса касал бўлиб қолди”;

屋顶盖了厚厚的一层雪²³

Wuding gai le houhou de yiceng xue

“Уйларнинг томлари қалин қор билан қопланган”;

现在让病人好好的睡觉²⁴

Xianzai rang bingren haohaode shuijiao

“Бемор тўйиб-тўйиб ухлаб олсин”.

Куйида хитой тилида редупликатив сифатларнинг ҳосил бўлиш усуллари (редупликатив моделлари) ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

2.1.1. Сифатларнинг ‘AA + 儿’ *er* редупликатив модели

Сифатларнинг маълум қисми редупликациянинг ‘AA’ модели асосида такрорланади. Оғзаки нутқда редупликатив сифатнинг иккинчи бўғинига 儿 *er* қўшилиб келиши мумкин, бунда редупликатив сифатнинг бу бўғини биринчи оҳангга айланади ва у урғу остида келади. Масалан, 早早儿 *zǎo’ zǎor* “эртароқ”, 慢慢儿 *màn’ mǎnr* “аста-секин”, 远远儿 *yuǎn’ yuǎnr* “узокроқ”. Мазкур модель сўзнинг интенсив формасини яшаш учун хизмат қилади.

²³黄菠菜。实用现代汉语语法。北京，1989年。- 页 82.

²⁴ Кўрсатилган асар. – Б. 82.

Расмий нутқ ёки адабий асарларда редупликатив сифатларнинг бўғини ўзгармайди ва *儿 er* ҳам қўшилмайди ²⁵.

‘AA’ моделидаги редупликатив сифатлар ҳол, тўлдирувчи вазифасида келиб, гапнинг оҳангини янада кучайтиришга хизмат қилади:

你行行好，再重重地给我一卷 ²⁶

Ni xingxing hao, zai zhongzhong de gei wo yi juan

“Бир савоб иш қилгин, менга қаттиқроқ бир сабоқ бергин”;

我要走得远远的 ²⁷

Wo yao zou de yuan yuan de

“Мен узоқ-узоқларга боришим керак”.

Аниқловчи вазифасида эса оҳангни эмас, балки гапнинг маъносини кучайтиради (бу эса сифат маъно даражасини кучайтиришга олиб келади). Масалан:

弯弯的眉毛，大大的眼，红红的嘴唇像樱桃 ²⁸

Wanwande meimao, dada de yan, honghong de zuichun xiang yingtao

“Қошлари қайрилмақош, кўзлари катта-катта, лаблари эса олчадек қип-қизил”.

2.1.2. Сифатларнинг ‘AABB’ редупликатив модели

²⁵故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。-页126.

²⁶故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。-页127.

²⁷故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。-页128.

²⁸刘富华。形容词定语的合指分指与语序问题。语言教学与研究，1999年，第3期。-页211.

Сифатларнинг маълум қисми ўзига хос икки хил редуликат шаклида кўлланилади. Биринчиси – тўлиқ ҳолда редуликат шаклига айланувчи сифатлар. Булар редуликациянинг ‘ААВВ’ модели асосида такрорланади. Масалан, 清清楚楚 *qingqing chuchu* “аниқ”, “равшан”, 干干净净 *gangan jingjing* “топ-тоза”. Ушбу модель асосида ясалган сифатлар сўзнинг янги формасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

在节日的时候，他们的队伍最好看了，花花溜溜的²⁹

Zai liuxing de shihou, tamen de duiwu zui hao kan le, huahua liuliu de

“Байрамда уларнинг командаси турли-туман либосда энг чиройлиси эди”;

纸上写着密密麻麻的小字³⁰

Zhi shang xie zhe mimi mama de xiaozi

“Қоғозда иероглифлар жуда зич ва майда ёзилган”;

请，别这么婆婆妈妈的³¹

Qing, bie zheme popo mama de

“Илтимос, бундай майдагап, майда-чуйдага ахамият берадиган одам бўлманг”;

李先生看到他这么松松垮垮的样子，就特别生气了³²

²⁹故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。-页 123.

³⁰故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。-页 124.

³¹丁声树等。现代汉语语法讲话。北京：商务印书馆，1961年。-页 78.

³²丁声树等。现代汉语语法讲话。北京：商务印书馆，1961年。-页 81.

Li xianshen kandaо ta zheme songsong kuakua de yangzi, jiu tebie sheqi le

“Жаноб Ли унинг бу қадар лоқайд, ҳамма нарсага бефарқ бўлган муносабатини кўриб жуда жаҳли чиқди”.

Оғзаки нутқда ушбу сифатларнинг иккинчи бўғини енгил оҳангда, учинчи бўғини биринчи оҳангда ўқилади, тўртинчи бўғин ҳам биринчи оҳангда ўқилиб 儿 *er* қўшилиб келиши мумкин. Масалан, 漂漂亮亮 *piàopiào liangliangr* “гўзал”, 明明白白 *míngmíng báibái* “аниқ”³³.

Бундай сифатлар ҳол, тўлдирувчи вазифасида келиб, гапнинг оҳангини янада кучайтиришга хизмат қилади:

小喜亲亲热热地问长问短³⁴

Xiaoxi qinqin rere de wen chang wen duan

“Сиао Си илиқлик билан у ёқ-бу ёқдан сўради”;

你看这是白纸黑字写得清清楚楚地³⁵

Ni kan zhe shi bai zhi hei zi xie de qingqing chuchu de

“Мана бу қоғозга қаранг-а, ҳуснихат нақадар аниқ”.

Аниқловчи вазифасида келиб, гапнинг оҳангини эмас, балки таъриф мазмунини кучайтиради:

他家来了一个斯斯文文的姑娘³⁶

³³故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。-页126.

³⁴故播刘。现代汉语动词与形容词特点。-北京，2003年。-页127.

³⁵丁声树等。现代汉语语法讲话。北京：商务印书馆，1961年。-页85.

³⁶故播刘。现代汉语动词与形容词特点。-北京，2003年。-页132.

Ta jia lai le yi ge sisi wenwen de guniang

“Унинг уйига бир одобли, хушмуомала киз келди”;

他那仆仆细细的衣服，实实在在的态度，大大方方的举上 给人留下了很好的印象了³⁷

*Ta na pupu xixi de yifu, shishi zaizai de taidu, dada fangfang de jushang
gei ren liu xia le han hao de yinxiangle*

“У ўзининг одми кийими, самимий одоби, сипо юриш-туриши билан одамларда яхши таассурот қолдирди”;

你这种拖拖拉拉的作风必须改变³⁸

Ni zhe zhong tuotuo lala de zuofeng bixu gaibian!

“Сиз эс-хушингизни йиғиб, майдагап бўлмасдан ўзгаришингиз керак!”³⁹,

迷迷糊糊的云霄⁴⁰

Mimi mangmang de yunxiao

“Қуюқ туман билан қопланган осмон шафағи”.

Кесим вазифасида қўлланилганида ҳам таъриф мазмунини янада равшанлантиради:

家里干干净净，(...)

³⁷故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。- 页 135

³⁸Li Dejin, Cheng Meizhen. A Practical Chinese Grammar.- Beijing: Sinolingua, 2003. – P. 129.

³⁹Li Dejin, Cheng Meizhen. A Practical Chinese Grammar.- Beijing: Sinolingua, 2003. – P. 129.

⁴⁰刘富华。形容词定语的合指分指与语序问题。语言教学与研究，1999年，第3期。- 页 26.

Jia li gangan jingjing de, (...)

“Уй ичи топ-тоза, (...)”;

这个姑娘大大方方，一点也不扭捏⁴¹

Zhe ge guniang dada fangfang, yi dian ye bu niunie

“Бу киз жуда самимий, очиккина, кўнглида кири йўк”.

Шу билан бирга шундай сифатлар ҳам борки, уларнинг асл тузилиши ‘AABB’ моделига эга, бироқ туб сўз ҳисобланади: 病病歪歪 *bingbingwaiwai* “касалманд”, 大大咧咧 *dadalielie* “қаттиқ кулмоқ”⁴².

2.1.3. Сифатларнинг ‘A 里 AB’ редупликатив модели

Сифатларнинг яна бир редупликатив шакли ‘A 里 AB’ моделига эга бўлиб, бу типдаги редупликация “тўлиқсиз” деб номланади. Бунда сўз бўғинларининг оҳанги ўзгармайди, биринчи бўғин урғу остида, иккинчи бўғиннинг ўрнида енгил оҳангда ўқилувчи 里 *li* келади, учинчи ва тўртинчи бўғинлар ўз оҳанглирида ўқилади. Баъзи ҳолларда тўртинчи бўғин ҳам урғу остида келиши мумкин, бу ҳолда гапнинг оҳанги янада кучаяди⁴³. Буларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: 糊里糊涂 *hulihutu* “бемаъни”, “ақлсиз”, 傻里傻气 *shalishaqi* “онгсиз”, 拉里拉

⁴¹刘富华。形容词定语的合指分指与语序问题。语言教学与研究，1999年，第3期。-页33.

⁴²故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003年。-页129.

⁴³李海。形容词与否定副词“不”组合的意义，句法制约。南京师范大学出版社，1991年，第2期。-页204.

杂 *lalilaza* “сергап”, 马里马虎 *malimahu* “масъулиятсиз” ва бошқалар.

Ушбу модель сўзнинг янги формасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади:

您不应该说这样的糊里糊涂的话⁴⁴

Ni bu yinggai shuo zhe yangde hulihutu de hua

“Сиз бундай бемаъни гапларни гапирмаслигингиз керак”.

Тўлиқсиз редупликатив шаклдаги сифатлар мазмун-моҳиятига кўра “бепарволик”, “писанд қилмаслик”, шунингдек, “жирканиш” маъноларига ҳам эга бўлиб, салбий характер-хусусият ёки ҳолатни англатади.

2.1.4. Сифатларнинг ‘АВАВ’ редупликатив модели

Баъзи сифатлар ‘АВАВ’ модели асосида такрорланади. Масалан, 滚圆 滚圆 *gunyuuan gunyuuan* “юм-юмалоқ”, 雪白雪白 *xuebai xuebai* “оппоқ”, 冰冷 冰冷 *bingleng bingleng* “муздек совуқ”. Бу моделдаги сифатлар коннотатив маънога эга бўлиб, одатда, гапнинг маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. Ушбу модель ҳам сўзнинг янги формасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади:

天上互蓝互蓝的⁴⁵

Tian shang hulan hulan de

“Осмон тўқ кўм-кўк рангда”;

天上有明亮明亮的星星⁴⁶

⁴⁴故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。- 页 112.

⁴⁵柴世霖。试论汉语双音动词重叠形式的问题。河北大学学报，1980年低期。- 页 203.

Tian shang you mingliang mingliang de xingxing

“Осмон тўла чараклаган юлдуз”;

这头小猪长得滚圆滚圆的⁴⁷

Zhe tou xiao zhu zhang de gunyuan gunyuan de

“Бу чўчқача семиз, юм-юмалоқ бўлиб ўсибди”;

他焦黄焦黄的长脸上布满了皱纹⁴⁸

Ta jiaohuang jiaohuang de chang lian shang bu man le zhouwen

“Унинг тўқ бўғдой рангли юзи тўла ажин эди”.

2.1.5. Сифатларнинг ‘ААВВСС’ редупликатив модели

Баъзан сифатларнинг ‘ААВВСС’ модели асосидаги такрори учрайди.

Масалан:

小河两岸，长满了一行行密密实实的低矮柳⁴⁹

Xiao he liang an, zhang man le xingxing mimi shishi de di ailiu

“Ариқнинг икки қирғоғини пастаккина сирли мажнунтоллар қоплаб ётарди”;

他猛猛烈烈然然的人⁵⁰

Ta mengmeng lielie ranran de ren

“У – иродали одам”.

⁴⁶交际汉语。华语教学出版社，2001年。- 页 37.

⁴⁷柴世霖。试论汉语双音动词重叠形式的问题。河北大学学报，1980年低期。- 页 205.

⁴⁸故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京，2003年。- 页 115.

Редупликациянинг бу конструкцияси маҳсулдор эмас.

Шуни қайд этиш керакки, сифатларнинг ҳаммаси ҳам редупликат шаклида кела олмайди. Редупликатив сифатларнинг аксарияти кундалик лексикадан иборат.

Редупликатив шаклда қўлланмайдиган сифатлар ҳам кам эмас, буларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: 伟大 *weida* “улуғ”, 光敏 *guangmin* “ёруғ”, 幸福 *xingfu* “бахтли”, 假 *jia* “ёлғон”, 美丽 *meili* “чиройли”, 英民 *yingmin* “доно”, 熟悉 *shuxi* “таниш”, 困难 *kunnan* кийин”, 悲 *bei* “ғамгин”, 疯 *feng* “телбали”, 艰巨 *jianju* “машаққатли”, 贼 *zei* “муғомбир” ва бошқалар ⁵¹.

Бу сифатларнинг редупликатив шаклда қўлланила олмаслигининг асосий сабаби, бизнинг фикримизча, уларнинг туб маъносининг ўзи кучайтирилган ҳолда, бошқа хил кучайтиришнинг зарурияти йўклигидадир. Масалан, 疯 *feng* “телбали” сўзини редупликатив ҳолда, яъни 疯疯 *fengfeng* шаклида қўллаганда, сўзнинг “жуда телбали” маъноси англашилса ҳам, тилнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, семантика нуқтаи назаридан сўзнинг бу шаклда қўлланилиши нотўғри ҳисобланади.

II боб бўйича хулоса.

- 1) аниқловчилар ўз вазифасига кўра икки турга бўлинади: сифатини ва қарашлилиқни ифодаловчи аниқловчилар;
- 2) ҳар бир турдаги аниқловчи гапда турли ҳил сўз туркумлари ёрдамида ифода этилиши кузатилади;

⁴⁹刘元满。“太 + 形/态”与“了”。语言教学出版社，1999 第 1 期。-页 5.

⁵⁰故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003 年。- 页 130.

⁵¹故播刘。实用现代汉语语法。北京，2003 年。- 页 130.

- 3) бир бўғинли сифатлардан сўнг 的 de қўшимчаси қўлланилмаса, икки бўғинли сифатлар аниқловчи вазифасида келганида ушбу қўшимча билан бирга ишлатилиши кузатилди;
- 4) аниқловчиларнинг гапдаги кетма-кетлиги аниқ белгиланган қолип асосида бажарилиши лозим;
- 5) бир хил сўз туркумига оид, уюшиқ аниқловчилар кетма- кетлиги у кадар қийинчиликларни уйғотмайди, бу ерда асосий қўйиладиган шарт гапда бир объект ёки субъект ҳақида гап кетиши лозим бўлади, яъни барча аниқловчилар фақат ва фақат бир объектни таърифлаш учун хизмат қилиши лозим ва бир хил сўз туркумига оид бўлиши талаб этилади;
- б) турли семантик маъноларга эга аниқловчилар гапда ўз ўрнига ва кетма-кетлигига эга. Агар юқоридаги баён этилган фикрларни жамлаган ҳолда уларни формула кўринишида ифодаласак, куйидаги қолиплар вужудга келади:
- а) вақт + жой + от ёки олмош (қаратувчи) + объект + предмет + феъл + ҳисоб сўзлар**
- в) вақт + жой + қаратувчи + ҳисоб сўз**
- с) объект ёки субъект + олд қўшимча+феъл+рангни таърифловчи аниқловчи + 的 de билан қўлланилган аниқловчи + 的 de ишлатилмаган аниқловчи + хом- ашё, шакл ҳақида маълумот берувчи аниқловчи**

11. Редупликатив сифат, одатда, объектнинг маъно-моҳиятини, унинг хусусиятини кучайтиришга хизмат қилади;

12. Хитой тилида аниқловчининг гапдаги ўрни масаласи бирламчи ҳисобланади, аниқловчининг гапдаги ўрни эса унинг семантик маъноси билан чамбарчас боғлиқдир.

III боб. Аниқловчини қўллашда кенг учрайдиган хато ва камчиликлар таҳлили

Хитой тили грамматик қоидаларига кўра аниқловчи доимо таъриф этаётган асосий сўздан олдин келиши керак: *Бу-мен кеча сотиб олган лугат* жумласини хитой тилига қуйидагича таржима қилиш керак:

а) 这是我昨天买的词典。 Zhe shi wo zuo tian mai de ci dian. Ушбу мисолда **我昨天买的** wo zuo tian mai de *мен кеча сотиб олган* жумласи аниқловчи вазифасида **词典** ci dian *лугат* сўзини таърифлаб келмоқда, яъни “қандай лугат?” деган саволга жавоб тариқасида қўлланилган. Ушбу жумлани **这是词典我昨天买的**。 Zhe shi ci dian wo zuo tian mai de. *Бу лугатни мен кеча олганман* тарзида ишлатиш хатодир, чунки аниқловчининг ўрни доимо аниқланмишдан олдин қўйилиши шарт, бу мисолда эса ушбу қоидага риоя қилинмаган. Бу каби хатолар ўз она тилининг хусусиятларига таянган ҳолда ўзга тилдаги жумлаларни ифода этиш натижасида келиб чиқади. Чет тилини ўрганаётган инсон таржима қилиш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида чет тилининг грамматик қонун-қоидаларига риоя этган ҳолда фикрлаши, ўз она тилида эмас, балки бевосита чет тилида фикрлаш кўникмасини шакллантириш лозим. Бунинг учун, албатта, кўпроқ чет элликлар билан мулоқотда бўлиш, ўзга тил мусиқаси, турли хил аудио ва видео материалларни таҳлил этиши лозим. Оғзаки тилда ҳам юқоридаги мисоладгидек хатоларга кўп йўл қўйилади, масалан:

в) 我看了一本书介绍中国文化。 Wo kan le yi ben shu jie shao zhong guo wen hua. *Мен бир Хитой маданияти тўғрисидаги китобни ўқиб чиқдим*. Ушбу гап нотўғри қурилган. Таҳлил қилиб кўрамиз. Мазкур жумладаги аниқловчи **介绍中国文化** jie shao zhong guo wen hua *Хитой маданияти*

тўғрисидаги жумласи билан ифодаланган. Ушбу жумлани асосий сўз 书 shu *китоб* сўзи билан боғлаш учун 的 de ёрдамчи сўзи керак бўлади, ва , албатта, гапдаги сўзларнинг кетма-кетлиги ҳам ўзгаради:

我看了一本介绍中国文化的书。Wo kan le yi ben jie shao zhong guo wen hua de shu. *Мен бир Хитой маданияти тўғрисидаги китобни ўқиб чиқдим.* Аниқловчини аниқланмиўдан олдин кўйиб, гапни тўғри ифолашга эришдик. Яъни “қандай китоб?” саволига жавоб *Хитой маданияти тўғрисидаги* жумласи аниқловчи ўрнида ишлатилди.

с) 我想了解一下情况关于中国人的生活。Wo xiang liao jie yi xia qing kuang guan yu Zhong guo ren de sheng huo. (x)

我想了解一下关于中国人的生活情况。Wo xiang liao jie yi xia guan yu Zhong guo ren de sheng huo qing kuang.(v)

Мен хитойликларнинг турмуш тарзи ҳақида тушунчага эга бўлмоқчиман.

Ушбу жумлада 关于中国人的生活 guan yu Zhong guo ren de sheng huo *хитойликларнинг турмуш тарзи ҳақида* аниқловчи вазифасида қўлланилган. Мазкур аниқловчи 情况 qing kuang *вазият* сўзини таърифлаб келмоқда ва “қандай вазият?” саволига жавоб тарзида 的 de ёрдамчи сўзи билан бирга қўлланилмоқда. Шу сабабли ҳам у 情况 qing kuang *вазият* сўзидан олдин кўйилган. Шуни ҳам эътиборга оиш керакки, мазкур гапдаги 关于中国人的生活 guan yu Zhong guo ren de sheng huo жумласи ҳол вазифасида ҳам қўланилиши мумкин, у ҳолда бу жумла гап таркибида вергул билан ажратилиши шарт, яъни:

关于中国人的生活情况, 我想了解一下。(v) *guan yu Zhong guo ren de sheng huo qing kuang, wo xiang liao jie yi xia.*

д) 我已经收到了很多信从朋友们。Wo yi jing shou dao le hen duo xin cong peng you men. (x)

我已经收到了很多朋友的信。Wo yi jing shou dao le hen duo peng you men de xin. (v) *Мен аллақачон кўпгина дўстларимдан хатлар одим. Ўзбек тили нуқтаи назаридан таржима қилганда дўстларимдан сўзи хитой тилига 从朋友们 cong peng you men тарзида таржима қилиниши керак, чунки 从 cong ўзбек тилида айни ...дан таржимасини беради. Лекин бу жумладаги аниқланмиш 信 xin хат сўзига “қандай хат?” саволига жавоб бўлувчи 很多朋友的 hen duo peng you de кўпгина дўстларимнинг жумласи аниқловчи вазифасида ишлатилган. Шунини ҳам айтиш керакки, бу жумлада кўплик шакли 很多 hen duo жуда кўп сўзи билан ифодаланган, шу сабабли дўст朋友 peng you сўзига кўплик шакли 们 men қўшилиб келишининг ҳожати йўқ.*

е) 气候的我的城市跟北京的不一样。qi hou de wo de cheng shi gen bei jing de bu yi yang 。 (x)

我的城市的气候跟北京的不一样。wo de cheng shi de qi hou gen bei jing de bu yi yang。 *Менинг шаҳрим об-ҳавоси Пекиндагидан фарқ қилади.* (v)

Мазкур гапда сўз 气候 qi hou “об-ҳаво” ҳақида кетмоқда. Уни таърифловчи “қандай?” саволига жавоб берувчи аниқловчи 我的城市的 wo de cheng shi de *Менинг шаҳримнинг* сўзи аниқланмиш 气候 qi hou “об-ҳаво” сўздан олдин келиши керак.

f) 以后来中国，我参观了很多中国的名胜古迹。Yi hou lai Zhong guo, wo can guan le hen duo Zhong guo de ming sheng gu ji. (x)

来中国以后，我参观了中国的很多名胜古迹。Lai Zhong guo yi hou, wo can guan le Zhong guo de hen duo ming sheng gu ji. (v)

Хитойга келгач, мен Хитойнинг жуда кўплаб тарихий қадамжолари, обидаларини зиёрат қилдим.

Мазкур мисолда, авваломбор, гапнинг биринчи қисмида тўхталиб ўтсак. *Хитойга келгач* мазсунинин ифода этувчи 以后 yi hou кейин, сўнг сўзи аслида пайт ҳоли бўлиб, берилган мисолда у “қачон?” саволига жавоб тариқасида қўлланилагн, шу сабабли, аввал, пайт ҳоли, вазиятни таърифловчи сўз қўйилиб 来中国 lai Zhong guo *Хитойга келмоқ*, ундан сўнг ушуб пайтни, вазиятни таърифи ўрнида ишлатилиши лозим. *Кейинчалик Хитойга келгач* сўзма сўз таржимага таянган ҳолда 以后 yi hou кейин, сўнг сўздан жумлани бошлаш хитой тили граммтаик қонун-қоидаларига зиддир. Гапда асосий ва ёрдамчи маънодаги аниқловчиларни фарқлаш жуда муҳим, шунга кўра аниқловчиларнинг гапдаги ўрни, кетма-кетлиги белгиланади. Масалан, берилган гапда *кўплаб Хитойнинг* эмас, балки *Хитойнинг кўплаб* сўзи кетма-кетлиги тўғридир, бу ерда *Хитой* сўзи асосий, *кўплаб* сўзи эса ёрдамчи маъноларни касб этади. Яъни, биринчи хато гапда келган 很多中国的 hen duo Zhong guo de (таржимада ҳам *кўплаб*

Хитойларнинг каби хато тушунча келиб чиқишига олиб келади) тархида эмас, балки 中国的很多 Zhong guo de hen duo *Хитойнинг* кўплаб кўринишида ишлатилиши грамматик тўғридир.

j) 我已经了解了一些北京的情况。Wo yi jing liaojie le yi xie Bei jing de qing kuang. (x)

我已经了解了北京的一些情况。Wo yi jing liaojie le Bei jing de yi xie qing kuang. (v)

Мен аллақачон Пекин тўғрисидаги бир қанча маълумотларга эга бўлдим.

Ушбу жумлада кўланилувчи миқдор 一些 yi xie *бир қанча* маъносидаги сўз 北京 Bei jing *Пекин* сўзини эмас, балки 情况 qing kuang *вазият*, *маълумот* сўзини таърифлаб, аниқловчи таркибига кирган сўздир, шу сабабли, миқдор сўзларини ишлатганда, улар нимани таърифламоқда, деган саволаг жавоб топиб, қуйидаги шаклда гапни тузиш, таржима қилиш лозим:

Эга+的+миқдор сўзи+асосий сўз

北京的一些情况 Bei jing de yi xie qing kuang. Сўзма-сўз таржимада *Пекиннинг бир қанча вазияти*. Яна бир неча мисолларни келтириш мумкин:

几个玛丽利的朋友。Ji ge Ma li de peng you. (x) Бир нечта Мариянинг дўстлари.

玛丽利的几个朋友。Ma li de ji ge peng you. (v) Мариянинг бир нечта дўстлари.

一些上海的大学生。Yi xie Shang hai de da xue sheng .(x) Бир нечта Шанхайнинг талабалари.

上海的一些大学生。Shang hai de yi xie da xue sheng . (v) Шанхайнинг бир нечта талабалари.

Яъни таржималардаги 一些 yi xie, 几个 ji ge каби микдор сўзарнинг ноўрин ишлатилиши кулгили вазятларга олиб келишги мумкинлигини ушбу мисоллардан кўришимиз мумкин.

h) аниқловчи таркибидаги олмошлар сон ва ҳисоб сўзлардан кейин ишлатилиши хато. Масалан:

一个我的叔叔以前来过中国。Yi ge wo de shu shu yi qian lai guo Zhong guo. (x)

Ушбу жумладаги аниқловчи 我的 wo de *менинг* олмош категориясидаги сўз бўлиб, 一个 yi ge сон+ҳисоб сўздан кейин ишлатилиши хатодир. Бўлиши керак:

我的一个叔叔以前来过中国。Wo de yi ge shu shu yi qian lai guo Zhong guo.

(v) *Менинг бир тоғам илгари Хитойга келган.* Яъни, бу ерда 我的一个 wo de yi ge *Менинг бир* жумласи аниқловчи вазифасида ишлатилган. Бу каби гаплар қуйидаги шаклда тузилиши лозим: **Олмош+的+ ҳисоб сўз+асосий сўз (аниқланмиш)**

Масалан: 一本他的书 yi ben ta de shu. (x) *Бир дона унинг китоби.*

他的一本书 ta de yi ben shu. (v) *Унинг бир дона китоби.*

e) 玛丽是学习很认真的一个学生。Ma li shi xue xi hen ren zhen de yi ge xue sheng. (x) *Мария жуда тиришкөзүк ила үкүйдиган бир талаба.*

玛丽是一个学习很认真的学生。Ma li shi yi ge xue xi hen ren zhen de xue sheng. (v)

Мазкур жумлада ҳам жуда кўпол хатога йўл кўйилган. Хитой тилининг грамматик қонун-қоидаларига кўра миқдор сўзлари, миқдор билан ифодаланган аниқловчилар феъл сўз туркумидан сўнг кўйилиши мумкин эмас. Гап қуйидаги шаклда тузилиши лозим:

Миқдор сўзи+феъл+的+аниқланмиш

Яъни “қандай?” деган саволга жавоб бериш учун феъл аниқловчи вазифасида миқдор сўздан кейин кўйилиб, кетидан 的 ёрдамчи сўзини бириктириш лозим.

m) 我这些新两本词典是昨天买的。Wo zhe xie xin liang ben ci dian shi zuo tian mai de. (x)

我这两本新词典是昨天买的。Wo zhe liang ben xin ci dian shi zuo tian mai de. (v)

Ушбу икки янги лузатни мен кеча сотиб олган эдим.

Бир гап таркибида ҳам 些 хіе бир нечта ҳам аниқ миқдор 两本 liang ben икки дона сўзларининг бирга қўлланилиши ноўриндир. Аниқловчи вазифасида қўлланилган 新 xin янги сўзи 两本 liang ben икки дона миқдор сўздан кейин келиши керак, чунки хитой тилида аввал чегара маъносидаги (бу жумлада сон ва ҳисбо сўзлар билан ифодаланган)

аниқловчи сўнг эса сифатловчи аниқловчилар келиши керак. Агар формула кўринишида берсак:

олмош+микдо сўзи+аниқловчи+的+аниқланмиш

Шунга ҳам аҳамят бериш лозимки, одатда бир бўғинли аниқловчилардан сўнг 的 ёрдамчи сўзи қўлланилмайди. Масалан:

那件旧衣服 na jian jiu yi fu *Ана у бир нечта эски кийимлар*

Икки бўғинли аниқловчилардан сўнг эса 的 қўлланилиши шарт, масалан:

这三首好听的歌 zhe san shou hao ting de ge *Бу уч дона оҳанграбо қўшиқ.*

Мисоллардаги 旧 jiu *эски* бир бўғинли аниқловчи бўлганлиги сабаб 的 ёрдамчи сўзи қўлланилмаган, 好听 hao ting *оҳанграбо* аниқловчиси эса икки бўғиндан ташкил топганлиги боис 的 ёрдамчи сўзи қўлланилган.

n) 我的同屋是一个很好人。Wo de tong wu shi yi ge hen hao ren. (x)

我的同屋是一个很好的人。Wo de tong wu shi yi ge hen hao de ren. (v)

Менинг хонадошим яхши инсон (бир яхши инсон).

很多 hen duo *жуда кўп* ва 很少 hen shao *жуда кам*, 不少 bu shao *кам эмас*

каби сўзлар истисно тарзида 的 ёрдамчи сўзи билан бирга қўлланилмайди,

колган барча ҳолларда, масалан, 很好 hen hao *жуда яхши* каби сўзлардан

аниқловчи ҳосил қилишда 的 ёрдамчи сўзини қўллаш зарур. Такқос учун:

比较容易问题 bi jiao rong yi wen ti (x)

比较容易的问题 bi jiao rong yi dewen ti (v) *Нисбатан осон масала*

Ёки 一斤苹果价钱 yi jin ping guo jia qian (x)

一斤苹果的价钱 yi jin ping guo de jia qian (v) *Бир кило олманинг нархи*

o) 这样水果很好吃 zhe yang shui guo hen hao chi (x)

这样的水果很好吃 zhe yang de shui guo hen hao chi (v) *Бундай олма жуда ширин.*

Агар гапдаги олмош, кўрсаткич олмош таъриф маъносидаги сўзлар билан бирга келса, улардан кейин 的 ёрдамчи сўзи қўйилади ва аниқловчи вужудга келади. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, агра кўрсаткич олмошдан кейин таъриф ўрнига от сўз туркумидаги сўз қўлланилса 的 ёрдамчи сўзи ишлатилмайди. Масалан: 这天 zhe tian *бу кун, шу кун*; 那时 na shi *ўша пайт*.

Масалан: 这样情况 zhe yang qing kuang (x)

这样的情况 zhe yang de qing kuang (v) *Бундай вазият*

p) 小树已经长出了红红叶子。Xiao shu yi jing zhang chu le hong hong ye zi (x)

小树已经长出了红红的叶子。Xiao shu yi jing zhang chu le hong hong de ye zi. Дарахтларда аллақачон тўқ қизил рангдаги барглар пайдо бўлди.

Кўриниб турибдики, редупликация шаклидаги аниқловчидан сўнг 的 ёрдамчи сўзининг қўлланилиши шарт. Яна мисол:

漂漂亮亮孩子 piao piao liang liang hai zi (x)

漂漂亮亮的孩子 piao piao liang liang de hai zi (v) *Ниҳоятда чиройли бола.*

Орттирма даражали аниқловчи редупликация ҳисобига вужудга келди, ушбу вазиятда 的 ёрдамчи сўзининг қўлланилиши шарт.

红红苹果 hong hong ping guo (x)

红红的苹果 hong hong de ping guo (v) *Қизил-қизил олма*

Бир бўғинли аниқловчидан сўнг 的 de ёрдамчи сўзи қўлланилмайди.

Масалан: 红叶子 hong ye zi *қизил барг* сўзидаги 红 hong *қизил* бир бўғинли аниқловчи бўлганлиги сабабли 的 de ёрдамчи сўзи қўлланилмаган.

к) 你介意我的抽烟吗? ni jie yi wo de chou yan ma? (x)

你介意我抽烟吗? ni jie yi wo chou yan ma? (v) *Чекишимга қарши эмасмисиз?*

Бу мисолда 抽烟 chou yan *чекиш* феълдир, эга ва кесим ўртасида эса 的 de ёрдамчи сўзининг қўлланилиши нотўғри.

Хитой тилида аниқловчининг гапдаги ўрни масаласи бирламчи ҳисобланади, аниқловчининг гапдаги ўрни эса унинг семантик маъноси билан чамбарчас боғлиқдир. Таҳлил этилган мисоллар талабаларнинг

аниқловчини қўллашда, 的 de ёрдамчи сўзини тўғри ва ўринли ишлатишда амалий ёрдам кўрсатади, деган умиддамиз.

III боб бўйича хулоса:

- 1) чет тилини ўрганаётган инсон таржима қилиш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида чет тилининг грамматик қонун-қоидаларига риоя этган ҳолда фикрлаши, ўз она тилида эмас, балки бевосита чет тилида фикрлаш кўникмасини шакллантириш лозим. Бунинг учун , албатта, кўпроқ чет элликлар билан мулоқотда бўлиш, ўзга тил мусиқаси, турли хил аудио ва видео материалларни таҳлил этиши лозим;
- 2) гапда асосий ва ёрдамчи маънодаги аниқловчиларни фарқлаш жуда муҳим, шунга кўра аниқловчиларнинг гапдаги ўрни, кетма-кетлиги белгиланади;
- 3) аниқловчи таркибидаги олмошлар сон ва ҳисоб сўзлардан кейин ишлатилиши хато;
- 4) хитой тилининг грамматик қонун-қоидаларига кўра миқдор сўзлари, миқдор билан ифодаланган аниқловчилар феъл сўз туркумидан сўнг қўйилиши мумкин эмас;
- 5) хитой тилида аввал чегара маъносидаги (бу жумлада сон ва ҳисбо сўзлар билан ифодаланган) аниқловчи сўнг эса сифатловчи аниқловчилар келиши керак. Агар формула кўринишида берсак:
олмош+миқдо сўзи+аниқловчи+的+аниқланмиш;
- 6) одатда бир бўғинли аниқловчилардан сўнг 的 ёрдамчи сўзи қўлланилмайди, икки бўғинли аниқловчилардан сўнг эса 的 қўлланилиши шарт;
- 7) агар гапдаги олмош, кўрсаткич олмош таъриф маъносидаги сўзлар билан бирга келса, улардан кейин 的 ёрдамчи сўзи қўйилади ва

аниқловчи вужудга келади. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, агра кўрсаткич олмошдан кейин таъриф ўрнига от сўз туркумидаги сўз қўлланилса 的 ёрдамчи сўзи ишлатилмайди;

- 8) редупликация шаклидаги аниқловчидан сўнг 的 ёрдамчи сўзининг қўлланилиши шарт.

ХУЛОСА

«Хитой тилини ўзлаштириш жараёнида аниқловчиларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар» мавзусида олиб борилган таҳлиллар, чоғиштириш натижалари сифатида қуйидаги умумий хулосаларни келтириш мумкин:

1. Хитой тилида аниқловчи гапнинг иккинчи даражали бўлаги бўлиб, асосий бўлақларига ёки ўзаро тобе муносабатда бўлиб, гапнинг асосий бўлақларини аниқлаб, тўлдириб келади.

2. Хитой тилида аниёловчининг икки асосий тури: сифатловчи 限制性定于 xianzhixing dingyu ва изоҳловчи 描写性定于 miaoxiexing dingyu турлари алоҳида ажратилса, ўзбе тилида аниқловчининг уч тури: сифатловчи, қаратувчи ва изоҳловчи турлари фарқланади. Хитой тилида қаратувчи аниқловчи хусусиятлари сифатловчи гуруҳи ичида қайд этилиши кузатилди.
3. Хитой тилида сифатловчи аниқловчи миқдор, вақт, ўрин – жой каби тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилади ва ўзбек тилидаги сифатловчи каби сифат, сон, равиш, олмош, от, сифатдош, тақлид сўзлари билан ифодаланади;
4. Хитой тилида қаратувчи аниқловчи сифатловчи аниқловчи таркибига кириб, ўзи ифодалаётган шахс ё предметга бошқа бир шахс ёки предметнинг қарашли эканини билдиради; ўзбек тилидаги ва хитой тилидаги қаратувчи от, сифат, сон, олмош, ҳаракат номи, сифатдош сўз туркумлари билан ифодаланиши кузатилди.
5. Хитой тилида аниқловчи бир қанча сўз туркумлари билан ифодаланади: хусусан, от, сифат, ҳаракат номи, кўрсатиш олмошлари, сон, эга-кесимли бирикма, сон-ҳисоб сўзли бирикмалар билан ҳам ифодаланиши мумкин.
6. Изоҳловчи аниқловчининг алоҳида бир тури сифатида хитой ва ўзбек тилларида предметнинг белги-хусусиятларини билдириши билан белгиланади. Ўзбек тилида изоҳловчи унвонни, касб, машғулот, мутахассислик, амал, қариндошлик, жинс, лақаб, тахаллус, ўхшашликни билдирса, хитой тилида юқоридаги хусусиятлардан ташқари предметнинг қўлланилиш соҳаси, ранги, қайси хом-ашёдан қилинганлиги каби хусусиятларга ҳам ишора этишда қўлланилади. Хитой тилида нарса-предметнинг сифатини, хусусиятини, кишининг

-
- касби, ўзига хослиги каби тушунчаларни ифодалашда аниқловчининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда ўзгача;
7. Аниқловчи предметлиликни ифодаловчи сўзга тобе бўлиб келади ва унинг турли белгиларини ифодалаш иккала тилда бирдек хусусият сифатида кузатилди;
 8. Сифатловчи аниқловчи предметнинг белгисини, миқдорини, тартибини билдиради ва қандай?, қанақа?, қайси?, қанча?, нечанчи?, нега?, қаердаги? каби сўроқларга жавоб бўлади. Сифатловчи аниқловчи томонидан аниқланган бўлак сифатланмиш деб юритилади;
 9. Қаратувчи аниқловчи бирор нарса тегишли, қарашли бўлган шахс ёки предметни билдиради ва кимнинг?, ниманинг?, қаернинг?, сўроқларига жавоб бўлади. Қаратувчи аниқловчи томонидан аниқланган бўлак қралмиш деб юритилади. Хитой тилида қаратувчи - аниқловчи кўпинча 的 морфемаси билан ифодаланади.
 10. Ҳар бир турдаги аниқловчи гапда турли хил сўз туркумлари ёрдамида ифода этилиши кузатилади;
 11. Бир бўғинли сифатлардан сўнг 的 de морфемаси қўлланилмаса, икки бўғинли сифатлар аниқловчи вазифасида келганида ушбу қўшимча билан бирга ишлатилиши кузатилди;
 12. Аниқловчиларнинг гапдаги кетма-кетлиги аниқ белгиланган грамматик қолип асосида бажарилиши лозим;
 13. Бир хил сўз туркумига оид, уюшиқ аниқловчилар кетма-кетлиги у қадар қийинчиликларни уйғотмайди, бу ерда асосий қўйиладиган шарт гапда бир объект ёки субъект ҳақида гап кетиши лозим бўлади, яъни барча аниқловчилар фақат ва фақат бир объектни таърифлаш учун хизмат қилиши лозим ва бир хил сўз туркумига оид бўлиши талаб этилади;

14. Турли семантик маъноларга эга аниқловчилар гапда ўз ўрнига ва кетма-кетлигига эга. Агар юқоридаги баён этилган фикрларни жамлаган ҳолда уларни формула кўринишида ифодаласак, куйидаги қолиплар вужудга келади:
- а) вақт + жой + от ёки олмош (қаратувчи) + объект + предмет + феъл + ҳисоб сўзлар**
- в) вақт + жой + қаратувчи + ҳисоб сўз**
- с) объект ёки субъект + олд қўшимча+феъл+рангни таърифловчи аниқловчи + 的 de билан қўлланилган аниқловчи + 的 de ишлатилмаган аниқловчи + хом- ашё, шакл ҳақида маълумот берувчи аниқловчи**
15. Редупликатив сифат, одатда, объектнинг маъно-моҳиятини, унинг хусусиятини кучайтиришга хизмат қилади. Редупликация шаклидаги аниқловчидан сўнг 的 морфемасининг қўлланилиши шарт.
16. Хитой тилида аниқловчининг гапдаги ўрни масаласи бирламчи ҳисобланади, аниқловчининг гапдаги ўрни эса унинг семантик маъноси билан чамбарчас боғлиқдир;
13. Гапда асосий ва ёрдамчи маънодаги аниқловчиларни фарқлаш жуда муҳим, шунга кўра аниқловчиларнинг гапдаги ўрни, кетма-кетлиги белгиланади;
16. Аниқловчи таркибидаги олмошлар сон ва ҳисоб сўзлардан кейин ишлатилиши хато;
17. Хитой тилининг грамматик қонун-қоидаларига кўра миқдор сўзлари, миқдор билан ифодаланган аниқловчилар феъл сўз туркумидан сўнг қўйилиши мумкин эмас;

-
- 18.Хитой тилида аввал чегара маъносидаги (бу жумлада сон ва ҳисбо сўзлар билан ифодаланган) аниқловчи сўнг эса сифатловчи аниқловчилар келиши керак. Агар формула кўринишида берсак:
олмош+миқдо сўзи+аниқловчи+的+аниқланмиш;
- 19.Одатда бир бўғинли аниқловчилардан сўнг 的 морфемаси қўлланилмайди, икки бўғинли аниқловчилардан сўнг эса 的 морфемаси қўлланилиши шарт;
- 20.Агар гапдаги олмош, кўрсаткич олмош таъриф маъносидаги сўзлар билан бирга келса, улардан кейин 的 морфемаси қўйилади ва аниқловчи вужудга келади. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, агра кўрсаткич олмошдан кейин таъриф ўрнига от сўз туркумидаги сўз қўлланилса 的 морфемаси ишлатилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. - Т.: «Ўзбекистон», 2006.- Т. 14.- 276 б.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: «Ўзбекистон», 2005.- Т. 13.- 445 б.

II. Асосий адабиётлар

1. 外国人使用汉语语法。北京语言大学出版社。2009年。220页。
2. 现代汉语。(重订本) - 上海教育出版社, 2002年。265页。
3. Foreign Leaders Perspective on China. – Beijing, Foreign Language Teaching and Research Press, 2002. 457 p.
4. 陈前软。动词重叠的情况特征及气体的地位, 语言教学与研究。- 北京, 2001年。- 235页。Chen Qienruan. Dongci chongdiede qingkuang tezheng ji qitide diwei, yuyan jiaoxue yu yanjiu. - Beijing, 2001. 235 ye.
5. 成语词典。上海辞书出版社, 1992年。275页。
6. Gao Wenda, Wan Lijin. Cihui zhishi. - Jinan, 2006. 175 ye.
7. 汉俄词典。商务印书馆, 上海, 2002年。348页。
8. 故播刘。现代汉语动词与形容词特点。- 北京, 2003年。244页。Hu Boliu. Xiandai hanyu dongci yu xingrongci tedian. - Beijing, 2003. 244 ye.
9. 故播刘。实用现代汉语语法。- 北京, 2003年。455页。Hu Boliu. Shiyong xiandai hanyu yufa. - Beijing, 2003. 455 ye.
10. 溪阮。现代汉语词典。哈股印书馆, 北京, 1998年。378页。

-
11. 龚军。狼的故事。21世纪出版社，2001年。115页。
 12. 李稿。现代汉语动词研究。- 北京, 2004年。187页。Li Gao. Xiandai hanyu dongci yanjiu. - Beijing, 2004. 187 ye.
 13. 实话实说。商务印书馆，2001年。340页。
 14. Jerome L. Packard. The morphology of Chinese: A Linguistic and Cognitive Approach. – Beijing: Foreign Language Teaching and Research Press; Cambridge University Press, 2001. P.344 .
 15. Xiaoxue jiaoshi shiyong yuwenzi. - Beijing: Shangwu yinshuguan, 1999.- 187 ye.
 16. Zhang Yongquan. Shiyong E Han Han E fanyi.- Shandong, 2000 . 339 ye.

III. Қўшимча адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ.А. ва б. Ўзбек тили грамматикаси.- Тошкент, 1976. 559 бет.
2. Алефиренко Н.Ф. Современные проблемы науки о языке. – М.: «Флинта», «Наука», 2005. 412 стр.
3. Баранов А. Н. Введение в прикладную лингвистику – М.:УРСС, 2003. 358 стр.
4. Вархапович Л.В. Лингвистика в таблицах и схемах.- Минск: «Новое знание», 2003. 127 стр.
5. Каримов А.А. Хитой тилининг асосий грамматик бирликлари.- Т., 2001. 57 б.
6. Кобозева И. М. Лингвистическая семантика. – М., «Эдиториал УРСС.»,2000. 350 стр.
7. Курдюмов В.А. Курс китайского языка: теоретическая грамматика.- М.: «Цитадель-трейд», Лада, 2005. 573 стр.
8. Нетьматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.- Т.: «Ўқитувчи», 1995 .135 б.
9. Сафарова Р. Лексик - семантик муносабатларнинг турлари.- Т.: «Ўқитувчи», 1996. 116 б.
10. Семанас А.Л. Лексикология современного китайского языка.- М.: «Наука», 1992. 277 стр.
11. Семенас А.Л. Лексика китайского языка.- М.: «Муравей», 2000. 312 стр.
12. Хаматова А.А..Словообразование современного китайского языка.-М.: «Муравей», 2003. 223 стр.
13. Хидоятова Ш., Каримов А.А. Хитой тили грамматикаси.- Т.: «Фан ва технология» ,2004. 152 б.
14. Шоабдурахмонов Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Т.: «Ўқитувчи»,1980. 114 б.
15. Щичко В.Ф. Китайский язык: теория и практика перевода.- М.: «Восток

–Запад», 2004. 223 стр.

16. Акимов Т., Кыраубаев Ш. Хитойча-ўзбекча-русча фразеологик луғат (汉乌俄成语词典). - Т.: «Шарқ», 2002. 280 б.

17. Большой русско-китайский словарь. Пекин: «Шанву иншугуан», 1993. 1890 стр.

18. Сіһаі. - Пекин, 1979. 2215 стр.

19. Китайско-русский словарь. Сост. Фу Чонг. – «Шанхай», 2004. 1249 стр.

20. Лингвистический энциклопедический словарь. 2-издание, дополненное. – М.: «Большая Российская энциклопедия», 2002. 707 с.

21. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изохли луғати.- Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2002. 168 б.

22. Richards J.C. Longman Dictionary of language teaching and applied linguistics: «Cambridge University press», 2000. 580 p.

23. The New Webster's Encyclopedic Dictionary of the English language. N.Y., 1995. 2685 p.

24. 陈前软。基础汉语课本。北京：商务印书馆，1991年。145页。

25. Chomsky N. New Horizons in Study of Language and Mind: «Cambridge University Press». - Cambridge, England, 2000. 239 p.

26. Chomsky N. On Nature and Language: «Beijing University Press», 2004. 179 p.

27. 读报利看中国。北京大学出版社，1999年。147页。

28. 高级汉语。华语教学出版社，1999年。90页。

29. 汉字读写联系。北京语言学院出版社，1998年。130页。

-
30. Hansell M. Serial verbs and complement constructions in Mandarin: A clause linkage analysis // *Advances in role and reference grammar*. Amsterdam, 1993. 280 p.
31. Heine B., Claudi U., Hunnemeyer F. *Grammaticalization: «A conceptual framework*. Univ. of Chicago press». Chikago, 1991. 240 p.
32. Hockett C.F. *A course in Modern Linguistics*. - New York, 1963. 321 p.
33. Jerome L. Packard. *The morphology of Chinese: A Linguistic and Cognitive Approach*. - Beijing: «Foreign Language Teaching and Research Press»; «Cambridge University Press», 2001. 344p.
34. 江蓝生。白话话汇研究。中华书局出版社，1997年。210页。
35. 交际汉语。华语教学出版社，2001年。274页。
36. Li Dejin, Cheng Meizhen. *A Practical Chinese Grammar*. - Beijing: «Sinolingua», 2003. 741 p.
37. 李海。形容词与否定副词“不”组合的意义，句法制约。南京师范大学出版社，1991年，第2期。98页。
38. 李更新。精度篇。北京语言学院出版社，1991年。297页。
39. 李金斯“汉语词汇研究”，2001。71页。
40. Li Lanqing. *Education for 1.3 billion*. – «Foreign Language Teaching and Research Press & Pearson Education», Beijing, 2004. 483 p
41. 刘富华。形容词定语的合指分指与语序问题。语言教学与研究，1999年，第3期。274页。

-
42. 刘元满。“太 + 形/态”与“了”。语言教学出版社，1999 第 1 期。68 页。
43. Muliie G. The structural principles of the Chinese language. - Peking, 1989. 156 p.
44. Packard J.L. The morphology of chinese: a linguistic and cognitive approach.- «Foreign language teaching and research press». Cambridge university, 2001. 280 p.
45. 石定繇。汉语形态学：语言认知研究法。外语教学与研究出版社。剑桥大学出版社。2005 年。180 页。
46. Thompson G. Introducing Functional Grammar. Foreign language teaching and research press. Green publishing group. 2003. 260 p.
47. 王李。“基础汉语语法”，1992. 48 页。
48. 王赴阮。“动词重叠研究方法”，2003. 64 页。
49. 冒秀尊。动词重叠的语法性质语法意义。语文研究，1998 年，第 2 期。315 页。
50. 讷畅叙。词汇专题研究。北京语言大学出版社，2002。274 页。
51. 学明，石威。汉语普通话语音变。北京语言学院出版社 1992 年。270 页。
52. 张宝生。也谈转“形容词+点”的入围条件和语义取值。中国语文，2005 年，第 2 期。135 页。

-
53. 张世才。形容词左转与得以一直想与在剧中的位置。南京师范大学出版社，2004年第1期。98页。
54. Zhang Xiaozhong. Conversational Chinese. Beijing language and culture university press, 1997. 380 p.
55. Zhang Yongquan. Shiyong E Han Han E fanyi. - Shandong, 2000 . 339 p.
56. 芝警功。动词重叠的语法意义。中国语文 2006年第2期。174页
57. 汉俄词典。商务印书馆，上海，1992年。450页。
58. 俄汉大辞典。商务印书馆，北京，1999年。294页。
59. 精选汉英英汉词典。商务印书馆，1999年。135页。
60. 实用汉俄成语词典，知识出版社，北京，1991年。110页。
61. 英汉拼音辞典。商务印书馆，2001年。188页。
62. 英汉汉英辞典。商务印书馆，1997年。276页。
63. 刘粤。现代汉语词典。商务印书馆，北京，2002年。545页。
64. 西素简汉俄词典。上海，1995年。348页。
65. 中国成语大辞典。上海辞书出版社，1998年。275页

IV. Интернет сайтлари

1. <http://www.nigma.ru>

2. <http://www.baidu.com>.
3. <http://www.Google.com>.
4. [http:// www. Studychinese.ru](http://www.Studychinese.ru)
5. <http://www.ncac.gov.cn>
6. <http://www.cninaview.org>
7. <http://www.bfsu.edu.cn>
8. <http://www.bku.edu.cn>
9. <http://www.pku.edu.cn>
10. [http:// www. hi-edu.ru](http://www.hi-edu.ru)
11. [http:// dic.academic.ru](http://dic.academic.ru)

Сифатловчи аниқловчи

- Сифатловчи аниқловчи предметнинг белгисини, миқдорини, тартибини билдиради
- 有意思的书, 每天的锻炼

Қаратувчи аниқловчи


- Қаратувчи аниқловчи бирор нарса тегишли, қарашли бўлган шахс ёки предметни билдиради
- 我的老师, 我爸爸

Изоҳловчи


- Изоҳловчи аниқловчининг алоҳида бир кўриниши бўлиб, бунда изоҳловчи от бошқа бир отни изоҳлайди
- 李侦探, 刘博士, 男学生, 女朋友








Аниқловчи предметнинг белгисини билдирадиган иккинчи даражали бўлакдир.



□ □ □ □ □ сифатловчи



□ □ □ □ □ □ □ сифатловчи
аниқловчининг гапда қўлланилиши



□ □ □ □ □ ИЗОҲЛОВЧИ АНИҚЛОВЧИ

□ □
 характ
 ер

● □ □ □ □

□ □
 хусусия

● □ □ □ □ □ □ □ □

Т
 □ □
 ишлати
 лиш
 доирас
 и

● □ □ □ □ □ □ □ □

□ □
 ранг


● □ □ □ □ □ □ □ □


□ □
 касб

● □ □ □ □ □ □ □ □



сифатловчи аниқловчиларнинг гапдаги ўрни








[] [] [] [] [] [] []

[] [] [] [] [] [] [] [] [] [] [] [] [] [] [] []

[] [] [] []

[] “ [] ”
[] [] [] []





Аниқловчининг қўлланилиши масаласига доир машқлар тўплами**改病句**

1. 今天参观展览人很多。
2. 我们每个月有一次的旅行。
3. 我不太喜欢颜色绿的。
4. 那座山在从北京西边的 382 公里。
5. 她一个星期受到老师四次的表扬。
6. 你今天买那件新衣服在哪儿呢？
7. 爷爷需要一副看报纸时戴眼镜。
8. 我们的汉语的老师是英国人。

用多项定语改写句子

1. A. 这是一张照片。
B. 这是一张彩色照片。
C. 这是在照相馆照的照片。
2. A. 一个孩子哭了。
B. 小女孩儿哭了。
C. 刚刚生的孩子哭了。

-
- D. 小李的孩子哭了。
3. A. 老师把孩子们带到一片山坡上。
B. 老师把孩子们带到郊外的山坡上。
C. 老师把孩子们带到开满鲜花的山坡上。
4. A. 刚才进来的同志是我们班的班主任。
B. 那个女同志是我们班的班主任。
C. 穿灰套装的同志是我们班的班主任。
5. A. 这时那个警察走了过来。
B. 这时年纪比较大的警察走了过来。
C. 这时矮个子警察走了过来。
D. 这时穿着一身便装的警察走了过来。
6. A. 墙上挂着许多照片。
B. 墙上挂着彩色照片。
C. 墙上挂着她小时候的照片。
D. 墙上挂着她学舞蹈的照片。

-
7. A. 妈妈做了一桌子菜。
B. 妈妈做了四川菜。
C. 妈妈做了香气扑鼻的菜。
D. 妈妈做了一桌子女儿爱吃的菜。
8. A. 小区中间是一个花园。
B. 小区中间是大花园。
C. 小区中间是环境***雅的花园。
D. 小区中间是供人们休息的花园。
9. A. 我家住在小岛上。
B. 我家住在一个岛上。
C. 我家住在鲜花盛开的岛上。
D. 我家住在热带的岛上。
10. A. 这是一本书。
B. 这是给三年级学生用的书。
C. 这是给留学生用的书。
D. 这是辅导书。

整理句子

-
1. 中国 北京 一个 是 城市 最大 文化 的
 2. 泥巴 小明 捏... 插 许多 花 的 用了 花瓶
 3. 的 夜里 1月 是 气象 星期三 这 1998年 资料 28日
 4. 的 非常 他 两岁 弟弟 刚 可爱
 5. 50年代 是 工作 教师 她 参加 老的
 6. 木质 客厅 一座 里 摆着 的 大 座钟 古老
 7. 一个 漂亮 武太太 的 年轻 有 聪明 女儿
 8. 那位 穿 的 高 黑 老师 衣服 个子 找 你
 9. 一 买了 鲜红 大 玫瑰 他 束 的
 10. 季节 的 秋高气爽 是 北京 10月...阳光灿烂 一个 的

选择正确答案

1. 听了这些话，老王_____感觉很复杂。

A 心的 B 心里

C 心里的 D 心

2. 那个男孩穿着_____。

A 短袖白棉布盖过屁股的一件

B 盖过屁股的一件棉布白短袖上衣

C 一件白棉布短袖上衣盖过屁股的

D 一件盖过屁股的白棉布的短袖上衣

3. 墙上挂着_____。

A 一张破旧的北京做满了记号的地图

B 一张做满了记号的破旧的北京地图

C 做满了记号的一张破旧的北京地图

D 做满了记号的破旧的一张北京地图

4. 这是_____。

A 我们日常生活中很容易接触到的小一件事

B 一件小事我们日常生活中很容易接触到的

C 很容易接触到的我们日常生活中一件小事

D 我们日常生活中很容易接触到的一件小事

5. _____ 已经卖出去了。

A 玛丽的上次展览会上展出的那件的雕塑作品

B 上次展览会上展出的玛丽那件雕塑作品

C 展出的上次展览会上玛丽的那件雕塑作品

D 展出的那件玛丽的雕塑上次展览会上作品

6. 是那位王老师叫我们_____。

A 去那家附近书店的买书

B 去附近那家的书店买书的

C 去附近那家书的店买的书

D 去附近那家书店买书的

7. _____ 多起来了。

A 各种社会文化要我参加的活动

B 社会活动要我参加的文化活动

C 要我参加各种社会文化的活动

D 要我参加的各种社会文化活动